

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

МАГИСТРАТУРА БЎЛИМИ

**Қўлёзма ҳуқуқида
УДК: 336.71**

**ЗОКИРОВ НОДИРБЕК ФАРҲОД ЎҒЛИ
ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ АКТИВЛАРИНИ БОШҚАРИШНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

Мутахассислик: 5A230701 «Банк иши (пул муомаласи ва кредит бўйича)»

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар:

и.ф.н., доц. О.Ортиқов.

ТОШКЕНТ-2018

**Диссертация Тошкент молия институти «Банк иши» кафедрасида
бажарилган.**

Илмий раҳбар

и.ф.н., доц. О.Ортиқов

Кафедра мудири

и.ф.д., проф. А.А.Омонов

Магистратура бўлими бошлиғи

и.ф.н., доц. У.Д.Ортиқов

Мен, Зокиров Нодирбек Фарҳод ўғли ушбу магистрлик диссертация ишини мустақил бажардим. Кўчирмачилик ҳолати йўқлигига жавоб бераман. Кўчирмачиликка йўл қўйган ҳолатимда магистрлик диссертация иши Якуний Давлат Аттестация Комиссияси раиси тақдимномасига асосан бекор қилиниши ва “Қониқарсиз” баҳо қўйилишидан хабардорман.

Зокиров Н. _____ “ ____ ” _____

МУНДАРИЖА

	КИРИШ.....	3
I БОБ	ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ АКТИВЛАРИНИ БОШҚАРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ ВА ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ.....	9
1.1	Тижорат банкларининг активларини бошқариш хусусидаги илмий-назарий қарашлар.....	9
1.2	Банклар активларини бошқариш самарадорлигини тавсифловчи кўрсаткичлар ва уларнинг қиёсий тавсифи.....	15
1.3	Тижорат банклари активларини бошқаришни такомиллаштириш борасидаги хориж тажрибаси ва унинг ўзига хос хусусиятлари.....	20
	I боб бўйича хулоса.....	25
II БОБ	ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ АКТИВЛАРИНИ БОШҚАРИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ҲОЛАТИ ВА ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ.....	27
2.1	Тижорат банклари активларини бошқаришнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари.....	27
2.2	Банклар активларининг таркиби ва динамикаси.....	31
2.3	Тижорат банклари активларини бошқаришга таъсир қилаётган омиллар.....	40
	II боб бўйича хулоса.....	46
III БОБ	ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ АКТИВЛАРИНИ БОШҚАРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ.....	49
3.1	Тижорат банклари активларини бошқаришни такомиллаштириш билан боғлиқ муаммолар.....	49
3.2	Банклар активларини бошқаришни такомиллаштириш йўллари.....	59
	III боб бўйича хулоса.....	66
	ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР.....	69
	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	75

КИРИШ

Мавзунинг асосланиши ва унинг долзарблиги. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида тижорат банкларининг капиталлашув даражаси ва депозит базасини ошириш, уларнинг молиявий барқарорлигини ва ишончилигини мустаҳкамлаш макроиқтисодий барқарорликни янада

мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолишнинг зарурий шартларидан бири сифатида эътироф этилган¹.

Бу эса, тижорат банклари активларини бошқариш амалиётини такомиллаштириш заруриятини юзага келтиради.

Ҳозирги даврда республикаимиз тижорат банкларининг активларини бошқариш борасида бир қтаор долзарб муаммолар мавжуд. Ана шундай долзарб муаммолардан бири – бу тижорат банклари томонидан берилган кредитлар бўйича муддати ўтган қарздорлик миқдорининг катта эканлигидир.

Кредитлар бўйича муддати ўтган қарздорлик муаммосининг чуқурлашиб кетиши ушбу масалани Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги ПҚ-3270-сонли “Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини оширишга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорида акс этишига сабаб бўлди.

Тижорат банклари томонидан иқтисодиётнинг реал секторига берилган хорижий валюталардаги кредитларнинг қайтмаслиги муаммоси ҳам мавжуд.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М.Мирзияев таъкидлаганидек, “халқаро молия институтларининг кредитлари, айниқса, лойиҳалар буюртмачилари бўлмиш Республика йўл жамғармаси ва “Ўзкоммунхизмат” агентлиги томонидан самарасиз ишлатилмоқда. Чунки уларнинг фаолиятида тизим, назорат ва маъсулият йўқ”².

Бундан ташқари, республикаимиз банкларида трансформация rischi муаммосининг мавжудлиги уларнинг ликвидлилигига нисбатан салбий таъсирни юзага келтирмоқда.

Умуман олганда, Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг активларини бошқаришни такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармонида 1-илова. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси//Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2017. – № 6 (766). – 32-б.

² Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалиқ қондаси бўлиши керак. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 28-бет.

муаммоларнинг мавжудлиги ва уларни ҳал қилишнинг зарурлиги ушбу магистрлик диссертацияси мавзусининг долзарблигини белгилайди.

Тадқиқот объекти ва предмети. Тадқиқотнинг объекти бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Акциядорлик-тижорат банклари – Саноатқурилишбанк, Ҳамкорбанк ва Асакабанк ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети тижорат банклари активларини бошқариш жараёнида юзага келадиган молиявий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқот мақсади ва вазифалари. Диссертацион тадқиқотнинг мақсади бўлиб, Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг активларини бошқариш амалиётини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклифлар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Тадқиқот вазифалари:

- тижорат банклари активларини бошқаришнинг илмий-назарий асосларини тадқиқ қилиш ва тегишли илмий-назарий хулосаларни шакллантириш;

- тижорат банклари активларини бошқаришни такомиллаштириш бўйича хориж тажрибасини ўрганиш ва унинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш;

- Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари активларини бошқаришнинг замонавий ҳолатини таҳлил қилиш ва мавжуд тенденцияларни аниқлаш;

- мамлакат тижорат банклари активларини бошқариш амалиётини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган муаммоларни аниқлаш ва уларни ҳал қилишга қаратилган таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Илмий янгилиги:

- мамлакат тижорат банклари активларининг рентабеллик даражасини ошириш мақсадида, муаммоли активлар миқдорини камайтириш, фойдасиз харажатлар миқдорини камайтириш ҳисобига соф фойда миқдорини ошириш, соф фойданинг ўсиш суръатини активларнинг ўсиш суръатидан юқори бўлишини таъминлашнинг зарурлиги асослаб берилган;.

– тижорат банклари томонидан берилган кредитлар бўйича муддати ўтган қарздорлик муаммосини ҳал қилиш мақсадида, мижозларнинг кредит тўловига лаёқатлилигини баҳолашнинг халқаро банк амалиётида кенг қўлланилаётган, такомиллашган методикаларини республикамиз банклари амалиётига жорий қилиш, банкларда муаммоли кредитларни “олдиндан оғоҳлантириш” тизимини яратиш ва уни такомиллаштириш, Ҳукумат кафолатлари асосида берилган кредитлар бўйича муддати ўтган қарздорликни ўз вақтида ундирилишини таъминлаш мақсадида (Давлат бюджетида ортиқча пул маблағларининг мавжуд эмаслигини ҳисобга олиб), махсус Жамғарма ташкил этиш йўллари таклиф қилинган;

– тижорат банклари активлари ва мажбуриятларининг муддатлари ўртасидаги мувофиқликни таъминлаш ва трансакцион депозитларнинг фақат барқарор қолдиғидан ресурс сифатида фойдаланишни йўлга қўйиш орқали трансформация рискига барҳам беришнинг мумкинлиги асосланган;

– тижорат банкларининг қимматли қоғозларга қилинган инвестициялари ҳажмини ошириш мақсадида, қимматли қоғозлар эмитентларининг молиявий ва мулкӣ ҳолатини таҳлил қилиш тизимини такомиллаштириш, банкларнинг Марказий банкнинг облигацияларига қилинган инвестициялари ҳажмини ошириш орқали уларнинг жорий ликвидлилик даражасини ошириш, банкларнинг “Ностро” вакиллик ҳисобрақамидаги ортиқча пул маблағларини иқтисодиётнинг турли тармоқларига мансуб бўлган корхоналарнинг қимматли қоғозларига инвестиция қилишнинг мақсадга мувофиқлиги асослаб берилган;

– тижорат банклари активларининг даромадлилигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишда тижорат банкларининг кредитлардан олинадиган фоизли даромадларининг ялпи даромад ҳажмидаги салмоғининг барқарорлигини таъминлаш йўналишлари ишлаб чиқилган;

– тижорат банклари томонидан бериладиган кредитларнинг риск даражаларининг ошишини олдини олиш мақсадида банкларнинг Кредит сиёсатида Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки экспертлари томонидан

ишлаб чиқилган кредитнинг рик даражаларини тавсифловчи меъёрий кўрсаткичларни ақс эттиришнинг лозимлиги асосланган.

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари. Тижорат банклари активларини бошқаришда активларнинг даромадлилиги, ликвидлиги ва риск даражали ўртасидаги муносаббатни таъминлаш асосий масала ҳисобланади.

Шунингдек, тижорат банклари активларининг рентабеллик даражасини оширишда соф фойданинг ўсиш суръатини брутто активларнинг ўсиш суръатидан паст бўлмаслиги, муаммоли активларни меъёрий талаблар даражасида бўлиши муҳим роль ўйнайди.

Диссертацион тадқиқот жараёнида ишлаб чиқилган тақлифлар ва тавсияларнинг амалиётга татбиқи республикаимиз тижорат банклари активларининг даромадлилиги ва риск даражалари ўртасидаги муносаббатни таъминлашга хизмат қилиши мумкин.

Тадқиқот мавзуси бўйича адабиётлар шарҳи (таҳлили). Тижорат банклари активларини бошқаришнинг назарий ва амалий жиҳатлари хорижлик ва ўзбекистонлик иқтисодчи олимлар томонидан илмий асосда тадқиқ қилинган.

Хорижлик иқтисодчи олимлар – А.Солдатова, Е.Жарковская, И.Ларионова, И.Юдина, Д.Мак Нотон, Ж.Кейнс, О.Лаврушин, О.Бланшар, Р.Барро, С.Мартин, Э.Рид, Н.Валенцева, Л.Миллер, Ф.Мишкин, Х.Сотоларнинг илмий изланишларида тижорат банклари активларини боқшаришнинг назарий ва амалий жиҳатлари тадқиқ қилинган³.

³ Ларионова И.В. Управление активами и пассивами в коммерческом банке. - Москва: Консалтбанк, 2003. – 272 с.; Лаврушин О.И. Банковское дело: современная система кредитования: Финансовая академия при правительстве РФ. – 4-е изд., стереотип. – М.: КНОРУС, 2008. – 264 с.; Бланшар О. Макроэкономика. Пер. с англ. – М.: ВШЭ, 2010. – 671 с.; Жарковская Е.П. Банковское дело. – М.: «Омега-Л», 2008. – 476 с.; Банковские риски. Под ред. Лаврушина О.И., Валенцевой Н.И. Финансовая академия при Правительстве РФ. – 2-е изд. -М.: КноРус, 2008. – 232 с.; Кейнс Дж.М. Общая теория занятости, процента и денег. – Пер. с англ. – М.: Гелиос АРВ, 2012. – 352 с.; Миллер Л.Р. Современные деньги и банковское дело. – М.: Инфра-М, 2000. – 856 с.; Селищев А.С. Деньги. Кредит. Банки. – СПб.: Питер, 2007. – 432 с.; Солдатова А.О. Факторинг и секьюритизация финансовых активов. – М.: Изд. Дом Высшей школы экономики, 2013. – 604 с.; Барро Р., Мартин С. Экономический рост. Пер. с англ. – М.: БИНОМ, 2010. - 374 с.; Юдина И.Н. Банковская система в развивающихся экономиках: опыт становления, развития. Монография. – М.: РИОР: ИНФРА-М, 2013. – 351 с.; Мишкин Ф.С. Экономическая теория денег, банковского дела и финансовых рынков. 7-ое изд. Пер. с

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлардан Ш.Абдуллаева, А.Омонов, Д.Пулатов, Ш.Шодмонов, Ж.Исаковларнинг илмий ишларида тижорат банклари активларини бошқариш масалалари тадқиқ қилинган⁴.

Тадқиқотда қўлланилган методиканинг тавсифи. Диссертацион тадқиқотни бажаришда эксперт баҳолаш, индукция ва дедукция, статистик ва иқтисодий-математик усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти. Диссертацион тадқиқот натижаларининг назарий аҳамияти шундаки, улардан иқтисод йўналишидаги олий ўқув юртларида “Пул ва банклар”, “Банк иши”, “Банк менежменти” фанларини ўқитишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти улардан тижорат банклари активларининг даромадлилигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқишда фойдаланишнинг мумкинлиги билан белгиланади.

Иш тузилмасининг тавсифи. Диссертация иши таркибан кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Ишнинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги асослаб берилган, унинг объекти ва предмети, мақсади ва вазифалари, илмий янгилиги шакллантирилган, тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти баён этилган.

Ишнинг биринчи бобида тижорат банклари активларини бошқаришнинг илмий-назарий асослари тадқиқ қилинган ва хориж тажрибаси ўрганилган.

англ. – М.: ООО «И.Д. Вильямс», 2013. – 880 с.; Сото Х.У. Деньги, банковский кредит и экономические циклы. Пер. с англ. – М.: Социум, 2008. – 663 с.

⁴ Абдуллаева Ш.З. Банк рисклари ва кредитлаш. Т.: Молия, 2002 й. – 304 б.; ⁴ Умарова З.С. Ўзбекистон Республикасида тижорат банклари кредит эмиссиясини тартибга солишни такомиллаштириш. И.ф.н. илм. дар. оли. уч. тақд. эт. дисс. автореф. – Тошкент, 2011. – 21 б.; Шодмонов Э.Ш. Ўзбекистонда аграр ислохотларни чуқурлаштиришда банклар фаоллигини оширишнинг асосий йўналишлари. Ик. ф.н. илм. даражасини олиш учун дисс. автореф. – Тошкент: БМА, 2005. – 19 б.; Исаков Ж.Я. хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришда кредит самарадорлигини ошириш. И.ф.д. илм. дар. ол.уч. тақд. эт. дисс. автореф. – Тошкент, 2016.– 79 с.

Ишнинг иккинчи бобида Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари активларини бошқаришнинг замонавий ҳолати таҳлил қилинган ва мавжуд тенденциялар аниқланган.

Ишнинг учинчи бобида республикамиз тижорат банклари активларини бошқаришни такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган муаммолар аниқланган ва уларни ҳал қилишга қаратилган илмий таклифлар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Ишнинг хулоса ва таклифлар қисмида шакллантирилган хулосалар ҳамда ишлаб чиқилган таклифлар ва тавсияларнинг қисқача мазмуни акс эттирилган.

I БОБ ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ АКТИВЛАРИНИ БОШҚАРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ ВА ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

1.1 Тижорат банкларининг активларини бошқариш хусусидаги илмий-назарий қарашлар

Хорижлик иқтисодчи олимлар томонидан тижорат банкларининг активларини бошқариш масаласи илмий асосда тадқиқ қиқлинган ва илмий хулосалар шакллантирилган, илмий таклифлар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Лаврушиннинг фикрига кўра, тижорат банкларининг активларини бошқаришда асосий эътибор гуруҳлаш ва таркибий таҳлилга қаратилиши лозим, шундагина ҳар бир гуруҳ операциялардан олинган фойданинг даражаси ва барқарорлигига реал баҳо бериш мумкин⁵.

Биз Лаврушиннинг ушбу хулосасига тўлиқ қўшиламыз ва қўшимча сифатида айтмоқчимизки, тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини баҳолашда қиёсий таҳлил усули ҳам муҳим ўрин тутди. Бунда қиёсий таҳлилни бошқа банклар билан амалга оширишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

К.Скиннернинг фикрига кўра, банк активларини бошқариш самарадорлигини ошириш учун қуйидаги йўналишларни кучайтириш лозим:

- видеобанкингни ривожлантириш;
- алоқа каналларини янги технологиялар билан жиҳозлаш;
- онлайн банкинг технологиясини такомиллаштириш;
- автоматлаштирилган клиринг палаталари фаолиятини такомиллаштириш⁶.

Ф. Мишкиннинг хулосасига кўра, тижорат банклари активларини бошқариш самарадорлигини таъминлашда молиявий инновацияларга асосий эътиборни қаратиш лозим. Фоиз ставкаларининг сезиларли даражада

⁵ Лаврушин О.И. Банковское дело. Учебник. – М.: КНОРУС, 2016. – С. 345-346.

⁶ Скиннер К. Будущее банкинга. Пер. с англ. – Минск: Гревцов Паблицер, 2009. – С. 294.

тебраниши янги молиявий маҳсулотларга бўлган талабнинг ўзгаришига бевосита ва кучли таъсир қилувчи муҳим иқтисодий омил ҳисобланади. Ўтган асрнинг 1950 йилларида уч ойлик хазина векселлари фоиз ставкаларининг тебраниши 1,0 фоиздан 3,5 фоизгача диапазонда, 1970 йилларида 4,0 фоиздан 11,5 фоизгача, 1980 йилларида 5,0 фоиздан 15,0 фоизгача бўлган диапазонни ташкил этди. Фоиз ставкаларининг бу қадар кучли тебраниши капитал қийматининг сезиларли даражада ошишига ёки камайишига олиб келди, инвестицияларнинг қайтиши борасидаги ноаниқлик кучайди.

Мишкин АҚШ мисолида молиявий инновацияларнинг банк тизимининг барқарорлигини таъминлашдаги ролини асослаб берган. Аммо, ушбу хулоса Ўзбекистон иқтисодиёти учун ҳозирча амалий аҳамиятга эга эмас. Чунки, республикада ҳукуматнинг қимматли қўғозлари мавжуд эмас.

Т.Мазуринанинг фикрига кўра, тижорат банклари кредитлаш амалиётини такомиллаштириш учун қуйидаги шарт-шароитлар мавжуд бўлиши шарт:

– давлатнинг самарали инвестиция ва саноат сиёсатининг мавжудлиги (молиявий ресурсларни аниқ жойлаштириш йўналишлари кўрсатилган ҳолда);

– инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган рискларни қисқартириш асосий йўналиши бўлган инвестициялар инфратузилмасини ривожлантириш;

– корхоналарнинг инвестицион жозибадорлигини ошириш⁷.

Т. Мазуринанинг фикрига қўшилган ҳолда, шуни қўшимча қилиш мумкинки, иқтисодиётнинг реал секторини кредитлашни ривожлантиришнинг муҳим зарурий шартларидан бири бўлиб, тижорат банкларининг етарли даражада ресурс базасига эга эканлиги ҳисобланади.

⁷ Мазурина Т.Ю. банковское инвестиционное кредитование: современное состояние, проблемы и перспективы развития// Деньги и кредит. – Москва, 2013. - №4. – С. 33.

Бир қатор иқтисодчи олимлар томонидан кредитларнинг, шу жумладан, узок муддатли кредитларнинг ресурс таъминотини муҳим амалий аҳамият касб этиши асослаб берилган. Масалан, М.Матовниковнинг фикрига кўра, тижорат банкларининг узок муддатли кредитлаш амалиётини такомиллаштиришга тўсқинлик қилаётган асосий омил бўлиб, банкларда узок муддатли ресурсларнинг етишмаслиги ҳисобланади. Ушбу муаммони ҳал этишнинг оддий ва реал усули бўлиб, ликвидли активларни гаровга қўйган ҳолда Марказий банкдан кредит олиш ҳисобланади⁸.

Аммо М.Матовниковнинг фикрини таниқли иқтисодчи олим С.Моисеевнинг фикри инкор қилади. Унинг фикрига кўра, тижорат банклари томонидан ликвидли активларни гаровга қўйиш йўли билан Марказий банкдан ресурс олиш Россия банк амалиёти учун долзарб эмас. Чунки, Россияда Барқарорлаштириш фондининг мавжудлиги Ҳукуматга қимматли қоғозларни муомалага чиқариш йўли билан давлат қарзи ҳажмини ошириш заруриятини юзага келтирмайди⁹.

М.Матовниковнинг фикри кўпчилик ўтиш иқтисодиёти мамлакатлари учун муҳим аҳамият касб этади. Масалан, Ўзбекистон Республикасида Давлат бюджети 2005 йилдан буён профицит билан бажарилаётганлиги сабабли ҳукумат қимматли қоғозларининг муомаласи мавжуд эмас. Бундай шароитда Марказий банкнинг очик бозор операциялари ва ломбард кредитлари орқали тижорат банкларининг ликвидлилигига ва ресурс салоҳиятига таъсир этишнинг иложи йўқ. Чунки, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки фақатгина ҳукуматнинг қимматли қоғозларини ўзининг ломбард кредитлари учун гаров объекти сифатида, очик бозор операцияларининг олди-сотди объекти сифатида тан олади.

Г.С.Панованинг фикрига кўра, банкларнинг кредитлар бериш имкониятини ошириш учун, биринчи навбатда, уларнинг депозит базасини

⁸ Матовников М.Ю. Банковская система России и долгосрочные ресурсы//Деньги и кредит. – Москва, 2013. - №5. - С. 19.

⁹ Моисеев С.Р. Денежно-кредитная политика: теория и практика. Учебное пособие. – М.: Московская финансово-промышленная академия, 2011. - С. 714-715.

етарлилигини таъминлаш имконини бериши лозим. Унинг хулосасига кўра, тижорат банклари депозит базасининг етарлилигини таъминлаш учун трансакцион депозитларнинг брутто депозитлар ҳажмидаги салмоғининг 30 фоиздан ошишига йўл қўймаслик, депозитларнинг кредит операцияларига йўналтирилган қисмига нисбатан, Германия банк амалиёти тажрибаларига таянган ҳолда, лимитлар жорий қилиш лозим. Германияда муддатли депозитларнинг 60 фоизи, трансакцион депозитларнинг 10 фоизи кредит операцияларига йўналтирилади¹⁰.

О.Афанасьеванинг хулосасига кўра, ривожланаётган мамлакатларда банклар учун қисқа муддатли кредитлар бериш узоқ муддатли инвестицион кредитлар беришга қараганда афзал бўлиб, юқори даромадлилигини ва паст риск даражаси билан ажралиб туради. Давлатнинг инвестиция сиёсатининг ва асосий ишлаб чиқариш фондларини янгилаш ва мамлакатнинг инновацион ишлаб чиқариш салоҳиятини мустаҳкамлаш соҳасидаги сиёсатининг мавжуд эмаслиги лойиҳавий молиялаштиришни ривожлантиришга тўсқинлик қилувчи асосий макроиқтисодий омил деб ҳисоблайди¹¹.

Тижорат банклари активларининг даромадлилиги ва риск даражалари ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш аниқ меъёрий талабларга эга бўлган кўрсаткичлар тизимини шакллантириш заруриятини юзага келтиради¹².

Уэрта де Сотонинг хулосасига кўра:

* тижорат банкларининг кредит экспансияси натижасида кредитнинг фоизини нисбий пасайиши капитал неъматларнинг жорий қийматини кескин ошишига олиб келади. Чунки, дисконтлаш паст бозор фоиз ставкаларида амалга оширилганда рентанинг кутилаётган оқимининг қиймати ўсади;

* тижорат банклари кредитларининг фоиз ставкаларини пасайиши бунга қадар фойда келтирмаётган инвестиция лойиҳаларини фойда

¹⁰ Панова Г.С. Кредитная политика коммерческого банка. – М.: ИКЦ «ДИС», 1997. – С. 194.

¹¹ Афанасьева О.Н. Состояние рынка проектного финансирования и факторы, сдерживающие его развития//Деньги и кредит. – Москва, 2014. - №2. – С. 37

¹² Prasanna Chandra. Investment Analysis and Portfolio Management. Tata McGraw-Hill Publishing Company Limited, 2015.pp. 251-254.

келтирадиган инвестиция лойиҳаларига айлантиради. Шу тариқа, такрор ишлаб чиқариш жараёнининг истеъмол босқичидан узоқда бўлган янги босқичларини бошланишига имкон беради;

* банклар томонидан ихтиёрий жамғармалар билан таъминланмаган кредитлар ҳисобидан инвестиция лойиҳаларини молиялаштирилиши пировард натижада инвестиция лойиҳаларининг муваффақиятсизлик билан тугашига ва кредитларнинг қайтмаслигига сабаб бўлади. Одатда, бундай шароитда тадбиркорлар жамиятда реал жамғармалар кўпайди, деб хато ўйлашади;

* тижорат банклари кредит экспансиясининг вақтинчалик самараси бўлиб, бирламчи ишлаб чиқариш воситалари баҳосининг нисбий ўсиши ҳисобланади¹³.

Тижорат банклари активларининг бошқариш самарадорлигини таъминлашда рискларнинг оптимал даражасини таъминлаш зарурий шарт ҳисобланади¹⁴.

Ж.Исаковнинг фикрига кўра, дунё банк амалиётида кредитларнинг самарадорлигини баҳолашда Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки экспертлари томонидан ишлаб чиқилган қуйидаги кўрсаткичлардан кенг фойдаланилади:

А. Кредитлардан кўрилган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмалари даражаси (ККЗҚМЗАД).

$$\text{ККЗҚМЗАД} = (\text{ЗАС} / \text{БАЎС}) \times 100\% \quad (1.1)$$

бу ерда:

ЗАС – захира ажратмалари суммаси;

БАЎС – банк активларининг ўртача суммаси.

Ушбу кўрсаткичнинг юқори меъёрий даражаси 1,0 фоизни ташкил этади.

¹³ Уэрто де Сото Хесус. Деньги, банковский кредит и экономические циклы. Пер. с англ. – Челябинск: Социум, 2008. – 666 с.

¹⁴ Gulamhussen, M.A., Pinheiro, C.M., Pozzolo, International diversification and risk of multinational banks: evidence from the pre-crisis period. J. Financ. Stabil. 13, 30–43, 2017.

Кредитлардан кўрилган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмалари даражаси кўрсаткичининг меъёрий даражадан юқори бўлиши тижорат банки таснифланган кредитлари таркибини ёмонлашганлигидан далолат беради.

Б. Муддати ўтган кредитларнинг мўътадил даражаси (МЎКМД).

$$\text{МЎКМД} = (\text{МЎКС} / \text{БК}) \times 100\% \quad (1.2)$$

бу ерда:

МЎКС – муддати ўтган кредитларнинг ўртача суммаси;

БК – брутто кредитлар.

Мазкур кўрсаткичнинг юқори меъёрий чегараси 3,0 фоиз қилиб белгиланган.

В. Муддати ўтган кредитларнинг йўл қўйиш мумкин бўлган чегаравий даражаси.

Ушбу кўрсаткич 2-формула орқали ҳисобланади ва унинг юқори меъёрий даражаси 5,0 фоизни ташкил этади¹⁵.

3. Умарованинг хулосасига кўра, республикамизда банкларнинг инвестицион кредитлари ҳисобидан молиялаштирилган қатор йирик инвестицион лойиҳаларнинг ўзини оқламаганлиги қуйидаги сабаблар билан изоҳланади:

- инвестицион кредит олган корхоналарнинг хориждан келтириладиган хом-ашёларга ўта боғлиқлиги;
- ушбу корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга талабнинг йўқлиги;
- банкларнинг инвестицион кредитларини олган корхоналарнинг лойиҳада белгиланган қувватда ишламаслиги;
- айрим корхоналарнинг етарли даражада хом-ашё билан таъминланмаганлиги;

¹⁵ Исаков Ж.Я. Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришда кредит самарадорлигини ошириш. И.ф.д. илм. дар. ол.уч. тақд. эт. дисс. автореф. – Тошкент, 2016. – Б. 16-17.

– инвестицион лойиҳани амалга ошириш натижасида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни экспорт қилинмаганлиги ёки жуда кам миқдорда экспорт қилинганлиги;

– кўпгина инвестицион лойиҳаларга қилинган капитал харажатларнинг ўзини оқламаганлиги;

– амалга оширилган инвестицион лойиҳаларда маҳаллий бозор талабларининг ҳисобга олинмаганлиги¹⁶.

Юқоридаги илмий-назарий қарашлардан кўринадики, тижорат банклари активлариини бошқариш амалиётини такомиллаштириш кўп жиҳатдан молиявий инновацияларга ва кредитларни бошқариш тизимига боғлиқ.

1.2 Банklar активларини бошқариш самарадорлигини тавсифловчи кўрсаткичлар ва уларнинг қиёсий тавсифи

Халқаро банк амалиётида тижорат банкларининг активларини бошқариш самарадорлигини баҳолашда бир қатор кўрсаткичлардан фойдаланилади.

Ана шундай кўрсаткичлардан бири бўлиб, Базель қўмитаси таклиф этган соф барқарор молиялаштириш меъёри коэффиценти (СБММК) ҳисобланади.

Ушбу коэффицент қуйидагича ҳисобланади:

$$\text{СБММК} = \text{БММС} : \text{БМЗС}$$

Бу ерда:

БММС – барқарор молиялаштиришнинг мавжуд суммаси;

БМЗС – барқарор молиялаштиришнинг зарур суммаси.

Барқарор молиялаштиришнинг мавжуд суммасига қуйидагилар киради:

* банкнинг регулятив капитали;

* қайтариш муддати 1 йил ва ундан ортиқ бўлган банк мажбуриятлари;

¹⁶ Умарова З.С. Ўзбекистон Республикасида тижорат банклари кредит эмиссиясини тартибга солишни такомиллаштириш. И.ф.н. илм. дар. оли. уч. тақд. эт. дисс. автореф. – Тошкент, 2011. – Б. 14.

* қайтариш муддати белгиланмаган бошқа депозитлар ва қарз маблағлари суммасининг 30 фоизи;

* қайтариш муддати 1 йилдан кам бўлган бошқа депозитлар ва қарз маблағлари суммасининг 30 фоизи.

Барқарор молиялаштиришнинг зарур суммасига қуйидагилар киради:

* қайтарилишига 1 йил ва ундан ортиқ муддат қолган банк активлари, шу жумладан, муаммоли кредитлар ва номолиявий активлар (ер участкалари, бинолар, мебель, компьютерлар ва автомашиналар);

* суд жараёнида бўлган ёки белгиланган тартибда ундирилмаган активлар;

* қайтариш муддати 1 йилдан кам бўлган бошқа активлар суммасининг 30 фоизи, муддатсиз ликвидли активлар бундан мустасно;

* Балансдан ташқари моддалардаги мажбуриятларнинг 15 фоизи.

Соф барқарор молиялаштириш меъёри коэффиценти 2018 йилнинг 1 январидан бошлаб жорий этилади ва унинг энг паст меъёрий даражаси 100% қилиб белгиланган.

Активларни бошқариш самарадорлигини тавсифловчи кейинги кўрсаткич Ликвидлиликни қоплаш меъёри коэффицентидир. Мазкур коэффицент қуйидагича ҳисобланади:

$$ЛҚМК = ЮЛА : 30 \text{ к.ЖСЧ}$$

бу ерда:

ЮЛА – юқори ликвидли активлар;

30 к. ЖСЧ – кейинги 30 кун ичидаги жами соф чиқим.

Ликвидлиликни қоплаш меъёри коэффицентининг энг паст меъёрий даражаси 100% қилиб белгиланган.

Юқори ликвидли активлар таркиби қуйидагилардан иборат:

* соф қуйма олтин;

* банкнинг Марказий банкдаги “Ностро” вакиллик ҳисобрақамидаги пул маблағлари (10301);

* 7 кунгача муддатдаги банклараро кредитлар ва депозитлар;

* “Standart & Poor’s”, “Fitch Ratings” ва “Moody’s” халқаро рейтинг агентликларининг энг юқори баҳолари берилган, ривожланган фонд биржалари рўйхатига киритилган, риск даражаси паст бўлган мамлакатларнинг трансмиллий компанияларининг қимматли қоғозлари;

* банкнинг бошқа банкларда очилган “Ностро” вакиллик ҳисобрақамларидаги пул маблағлари (10501);

* риск даражаси паст бўлган мамлакатлардаги банкларга жойлаштирилиб, таъминот сифатида қўйилмаган ликвидли активлар.

Мазкур иқтисодий кўрсаткичларга қўшимча равишда яна қуйидаги кўрсаткичларни санаб ўтишимиз мумкин, булар:

* кредит қўйилмаларини таснифланиши (*стандарт, субстандарт, қониқарсиз, шубҳали, умидсиз*);

* муаммоли қарздорликлар (*муддати ўтган, шундан оралиқ муддати ўтган, суд жараёнидаги, шартлари ўзгартирилган, балансдан ташиқари ҳисобварақдаги қарзлар*);

* тақсимланмаган фойда;

* банк томонидан активлар бўйича яратилган махсус захиралар;

* шакллантирилган мажбурий захиралар жамғармаси;

* нақд пул тушуми, биринчи даражали ижтимоий тўловлар ва иш ҳақларни тўланиши;

* муомалага чиқарилган пластик карталар ва ўрнатилган терминаллар, улар бўйича ўтаётган тўловлар ҳажми;

* Марказий банк томонидан белгиланган бошқа иқтисодий нормативлар ва бошқа кўрсаткичлар.

Шуни доимо эсда тутиш лозимки, юқорида санаб ўтилган кўрсаткичлар банкнинг макро даражадаги иқтисодий салоҳиятини кўрсатиб берувчи кўрсаткичлар саналади.

Худди шундай, банк фаолиятининг йўналишларини ички тарафдан очиб берувчи, масалан акцияларнинг турлари, кредитларни ҳудудларга

йўналтирилиши, уларнинг фоизлари, муддатида қайтарилиши, гаровларнинг турлари, инвестиция портфелининг даромадлилиги, қандай турдаги корхоналарга йўналтирилганлиги, муомалага чиқарилган қимматли қоғозларни муддатлари, фоизлари, депозитларни қандай валютада жалб қилинганлиги ва муддатлари, банк даромади ва харажатларининг таркиби, 1-даражали капиталнинг етарлилиги, левераж, активлар бўйича таваккалчилик даражасини кўрсатувчи меъёрлар, нақд пул тушумларини миқдорлар турлари бўйича таркиби, муомалага чиқарилган пластик карта турлари (аҳолига, яқка тартибдаги тадбиркорларга, хўжалик субъектларига), уларга қилинаётган маблағлар, уларнинг қолдиғи каби ўнлаб кўрсаткичларни санаб ўтиш мумкин.

Бу каби кўрсаткичлар юқорида таъкидланганидек, банк фаолиятининг ички хусусиятларини ёритиб беради ва улардан асосан тармоқ ичидаги ҳисоботларда фойдаланилади.

Мавжуд бўлган AAA дан C- гача ташқи рейтинглар шкаласида Базель II” В- дан кам бўлмаган рейтингларни эътиборга олади. Янада паст рейтингли юридик шахсларга (уларнинг қайси тармоққа алоқадор эканлигидан қатъий назар) юқори баҳолаш коэффициенти берилади (150% миқдорида).

Базель-2 стандартида кредит рискин баҳолаш бўйича қуйидаги икки хил ёндашув таклиф қилинган:

- стандартлашган ёндашув;
- ички рейтингларга асосланган ёндашув.

1.1-жадвал

Кредит рискин баҳолаш бўйича Базель қўмитаси томонидан таклиф этилган “стандартлашган ёндашув”да кредит рисқи даражаси¹⁷

Суверен кредит рейтинг	AAA дан AA-гача	A+ дан A- гача	BBB+ дан BBB- гача	BB+ дан B- гача	B- дан паст	Рейтингсиз
Кредит рисқи даражаси	20%	50%	100%	100%	150%	100%

¹⁷ Международная конвергенция измерения капитала и стандартов капитала: уточненные рамочные подходы. Пер. с англ. – Базель: Банк международных расчетов. 2004. – С. 23.

1.1-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўринадик, стандартлашган ёндашувга кўра кредит rischi даражаси бевосита мижознинг суверен кредит рейтинга боғлиқ. Фақат кредит рейтинга эга бўлмаган мижозларга 100% даражасида кредит rischi даражасини бериш таклиф қилинди. Бу эса, табиийки, мунозаралидир. Чунки, кредит рейтинга эга бўлмаган мижозларнинг маълум қисми ҳақиқатда **B** - дан паст рейтингга эга бўлган мижозлар қаторида бўлиши мумкин.

Базель қўмитаси томонидан кредит riskини баҳолаш бўйича таклиф этилган ички рейтингларга асосланган ёндашув Европа Иттифоқи мамлакатларининг банк амалиётида ҳам кескин танқидга учради. Бу эса, 2008 йилда юз берган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози таъсирида банкларнинг кредит операцияларидан улкан миқдорда зарар кўрганлиги ва етарли даражада кредит riskига қарши захираларнинг ташкил этилмаганлиги билан изоҳланади. Айнан мазкур омиллар тижорат банкларининг кредит riskини баҳолаш ва бошқариш тизимида нисбатан назорат органларида етарлича шубҳа уйғотди.

Тараққий этган мамлакатларнинг банк амалиётида, шу жумладан, АҚШ банк амалиётида кредит riskини аниқроқ баҳолаш мақсадида капиталнинг riskни ҳисобга олган ҳолда рентабеллиги кўрсаткичидан фойдаланилмоқда. Ушбу усул биринчи марта АҚШнинг Бэнкрс Траст оф Нью Йорк (Bankers Trust of New York) банкининг амалитёига жорий этилган. Уни амалиётга иккинчи бўлиб, Германиянинг Дойче банки (Deutsche Bank) қабул қилган¹⁸.

Тижорат банклари активларининг даромадлилигини баҳолашда активларнинг рентабеллиги кўрсаткичидан ва даромад/харажат кўрсаткичидан кенг фойдаланилади.

Активларнинг рентабеллигини аниқлаш учун тижорат банкининг соф фойдаси брутто активлар суммасига бўлинади ва олинган натижа 100 фоизга кўпайтирилади. Мазкур кўрстакичнинг меъёрий даражаси мавжуд эмас. Шу

¹⁸ Синки Дж. Финансовый менеджмент в коммерческом банке и в индустрии финансовых услуг. Пер. с англ. – М.: Альпина Паблишер, 2017. – С. 499.

сабабли, уни баҳолаш учун молиявий таҳлилнинг қиёсий таҳлил усулидан фойдаланилади.

Даромад/харажат кўрсаткичини аниқлаш учун фоизсиз харажатлар ялпи даромадларга бўлинади ва олинган натижа 100 фоизга кўпайтрилади. Ушбу кўрсаткичнинг энг юқори меъёрий даражаси 45 фоизни ташкил этади.

Мазкур кўрсаткичлар тижорат банклари активларининг даромадлилиқ даражасини аниқ баҳолаш имконини беради.

1.3 Тижорат банклари активларини бошқаришни такомиллаштириш борасидаги хориж тажрибаси ва унинг ўзига хос хусусиятлари

Россия Сбербанкнинг 2014-2018 йилларга мўлжалланган ривожлантириш стратегияси 2013 йилнинг ноябрь ойида банкнинг Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган ва унда асосий эътибор актив операцияларининг дармадлиқ даражасини ошириш ва рискларнинг чуқурлашишига йўл қўймасликка қаратилган.

1.2-жадвал

Сбербанк (Россия) молиявий натижалар бўйича 2018 йилга мўлжалланган стратегик режаси ва унинг 2017 йилда бажарилиши¹⁹

№	Кўрсаткичлар	2017 йил	2018 йил
1	Харажатларнинг даромадларга нисбати, %	39,7	40 гача
2	Харажатларнинг активларга нисбати, %	2,6	2,5 гача
3	Соф фойданинг ўсиши, марта (2013 йилга нисбатан)	1,5	min 1,8
4	Активларнинг ўсиши, марта (2013 йилга нисбатан)	1,4	1,8

1.2-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўринадики, Харажатларнинг даромадларга нисбати кўрсаткичи бўйича 2018 йилга мўлжалланган режа кўрсаткичи ҳам 2017 йилда бажарилди. Мазкур кўрсаткичнинг 40 фоиздан ошмаслиги режалаштирилган эди. 2017 йилда эса, ушбу кўрсаткичнинг ҳақиқатдаги даражаси 39,7 фоизни ташкил этди.

¹⁹ Годовой отчет Сбербанка за 2016 год. www.cbrf.ru.

1.2-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўринадик, харажатларнинг активларга нисбатан даражаси бўйича 2018 йилга мўлжалланган режа кўрсаткичи 2017 йилда бажарилмади. Шунингдек, соф фойданинг ва активларнинг ўсиш суръатлари бўйича 2018 йилга режалаштирилган кўрсаткичлар ҳам бажарилмади.

2018 йил учун мўлжалланган режа кўрсаткичига мувофиқ, соф фойда миқдори 2013 йилга нисбатан 1,8 мартага ошиши керак эди. 2017 йилда мазкур кўрсаткичнинг 2013 йилга нисбатан ўсиш суръати 1,5 мартани ташкил этди.

Сбербанк жами активларининг 2018 йил учун 2013 йилга нисбатан ўсиш суръати 1,8 марта қилиб режалаштирилган эди. 2016 йилда ушбу кўрсаткичнинг 2013 йилга нисбатан ҳақиқатдаги ўсиш суръати 1,4 мартани ташкил этди.

1.3-жадвал

Сбербанк активларининг таркиби, 2017 йилнинг 31 декабрь ҳолатига кўра, фоизда (жадвал муаллиф томонидан www.cbrf.ru сайти маълумотлари асосида тузилди).

№	Активларнинг таркиби	Жами активлардаги улуши, фоизда
1	Пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари	10,1
2	Марказий банкдаги мажбурий захира ажратмалари	1,6
3	Бошқа банклардаги пул маблағлари	3,8
4	Қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар	12,8
5	Кредитлар	68,4
6	Асосий воситалар	1,9
7	Бошқа активлар	1,4
Активлар - жами		100,0

1.3-жадвал маълумотларидан кўринадик, Сбербанк активларининг умумий ҳажмида кредитлар энг юқори салмоқни эгаллайди. Бу эса, Сбербанкнинг Россия иқтисодиётининг реал секторини кредитлашда муҳим роль ўйнаётганлигидан далолат беради.

Сбербанк активларининг умумий ҳажмида қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар ва пул маблағлари нисбатан юқори салмоқни эгаллайди. Бу эса, биринчидан, Сбербанкнинг Россия қимматли қоғозлар бозорининг фаол иштирокчиси эканлиги билан изоҳланади, иккинчидан,

Сбербанк ўзининг жорий ликвидлилигини таъминлаш мақсадида Марказий банкдаги “Ностро” вакиллик ҳисобрақамида ва Марказий банкнинг муддатли депозит счётида маълум миқдордаги пул маблағларини сақлайди.

Асосий воситалар Сбербанк активларининг умумий ҳажмида жуда кичик салмоқни эгаллайди. Бу эса, унинг даромад келтирмайдиган актив эканлиги билан изоҳланади.

Сбербанкни 2014-2018 йилларда ривожлантириш стратегиясининг муҳим йўналишларидан бири бўлиб, рискларнинг банк фаолиятига таъсирини камайтириш йўналиши ҳисобланади.

1.4-жадвал

Рискларнинг омиллари, Сбербанк фаолиятига таъсири ва ушбу таъсирни минималлаштириш йўллари²⁰

Омиллар	Сбербанкка рискларнинг таъсир қилиш эҳтимоли	Рискларнинг Сбербанк фаолиятига таъсирини минималлаштириш йўллари
Глобал иқтисодийнинг ҳолати ва геосиёсий рисклар	Стратегик режадаги молиявий кўрсаткичлар бажарилмай қолиши мумкин	Иқтисодийнинг ва банк бозорларининг ривожланишини прогноз қилишни такомиллаштириш.
Асосий банк бозорларининг сустрелиши ва банк активларининг сифатини ёмонлашиши	Банк бизнеснинг самарадорлиги пасайиши мумкин	Стратегия мақсадлари ва жорий ҳолат ўртасидаги фарқларни бартараф қилиш бўйича ташаббусларга аниқлик киритиш.
Нобанк соҳасининг компаниялари томонидан рақобатнинг кучайиши	Муаммоил активларнинг жами активлардаги салмоғи ошиши мумкин.	Риск-менежмент ва муаммоли активлар билан ишлашни қайта кўриб чиқиш керак.
	Мижозларнинг анъанавий банк хизматларила бўлган талаблари қондирилмаслиги мумкин.	Мижозларнинг эҳтиёжларини тўлароқ қондириш мақсадида Сбербанк томонидан кўрсатиладиган номолиявий хизматлар ҳажмини ошириш
	Мижозларнинг маълум қисми бошқа банкларга ўтиб кетиши мумкин.	Рақамли каналларга ўтиш ва илғор технологиялардан фойдаланишни кучайтириш йўли билан банкнинг рақобатбардошлигини ошириш.
	Банк даромадлари камайиши мумкин.	Бозорга чнги маҳсулотларни чиқариш муддатларини қисқартириш.

²⁰ Годовой отчет Сбербанка за 2017 год. www.cbrf.ru.

1.4-жадвалдан аниқ кўринадик, рискларни юзага келтирувчи омиллар, уларнинг Сбербанк фаолиятига таъсири ва ушбу таъсирни минималлаштириш йўллари Стратегияда аниқ кўрсатилган.

Стратегияда асосий банк бозорларининг сустратиши ва банк активларининг сифатини ёмонлаштириш асосий омил сифатида эътироф этилган.

1.4-жадвал

Дойчебанк (Германия) даромадлари ва харажатларининг таркиби²¹

	2013 й.	2014 й.	2015 й.	2016 й.	2017 й.
Фоизли даромадлар, млн. евро	31593	25601	25001	25967	25636
Фоизли даромадларнинг жами даромадлардаги салмоғи, %	64,0	59,9	58,6	59,5	62,5
Фоизсиз даромадлар, млн. евро	17761	17082	17677	17648	15307
Фоизсиз даромадларнинг жами даромадлардаги салмоғи, %	36,0	40,1	41,4	40,5	37,5
Фоизли харажатлар, млн. евро	15619	10768	10729	10086	10929
Фоизли харажатларнинг жами харажатлардаги салмоғи, %	33,4	27,5	27,9	20,7	27,1
Фоизсиз харажатлар, млн. евро	31201	28394	27699	38667	29442
Фоизсиз харажатларнинг жами харажатлардаги салмоғи, %	66,6	72,5	73,0	79,3	72,9

1.4-жадвал маълумотларидан кўринадик, Дойчебанк даромадларининг асосий қисмини фоизли даромадлар ташкил этади. Бу эса, Дойчебанкнинг кредит операциялари ва қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган инвестицион операцияларининг ривожланганлиги билан изоҳланади.

2013-2015 йилларда Дойчебанкнинг фоизли даромадлари миқдори камайиши тенденциясига эга бўлди. Бу эса, унинг молиявий барқарорлигига нисбатан салбий таъсир кўрсатди.

1.4-жадвал маълумотларидан кўринадик, Дойчебанк харажатларининг умумий ҳажмида фоизсиз харажатлар нисбатан юқори салмоқни эгаллайди.

Келтирилган маълумотлардан кўринадик, 2013-2015 йилларда Дойчебанк харажатларининг умумий ҳажмида фоизсиз харажатларнинг

²¹Жадвал муаллиф томонидан www.db.com сайти маълумотлари асосида тузилган.

салмоғи пасайиш тенденциясига эга бўлди. Бу эса, мазкур даврда комиссия харажатлар миқдорининг каамйганлиги билан изоҳланади.

Таҳлил натижалари кўрсатдики, Барклайз банк активларининг умумий ҳажмида қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар ва кредитлар асосий салмоқни эгаллайди. Ушбу икки активнинг жами активлар ҳажмидаги салмоғи, 2018 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, 82,6 фоизни ташкил этди.

1.5-жадвал

Бэнк оф Америка (АҚШ) банки томонидан очилган аккредитивлар миқдори ва уларнинг ҳажмида стэнд-бай аккредитивларининг салмоғи²²

Кўрсаткичлар	Йиллар					2016 йилда 2012 йилга нисбатан ўзгариши
	2012	2013	2014	2015	2016	
Банк томонидан очилган хужжатлаштирилган аккредитивлар, млн доллар	28674	30198	33550	34961	32074	111,8%
Жами хужжатлаштирилган аккредитивлар ҳажмида стэнд-бай аккредитивларнинг салмоғи, %	87,6	89,3	94,3	95,1	90,6	3,0 ф.п.

4.2-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўринадики, 2012-2016 йилларда Бэнк оф Америка банки томонидан очилган аккредитивларнинг умумий ҳажмида стэнд-бай аккредитивларининг салмоғи жуда юқори бўлган. Бу эса, АҚШ банклари учун стэнд-бай аккредитивнинг асосий аккредитив тури эканлигидан далолат беради.

Шунингдек, 2016 йилда 2012 йилга нисбатан Бэнк оф Америка банки томонидан очилган аккредитивларнинг суммасини ва ушбу аккредитивлар ҳажмида стэнд-бай аккредитивларнинг салмоғини ошиши кузатилган.

XX асрнинг 70-80-йилларида АҚШда инновацион банк маҳсулотлари сифатида НАУ (NOW) ҳисобрақамлари, “интеллектуал” пластик карталар,

²² Жадвал муаллиф томонидан www.bankofamerica.com сайти маълумотлари асосида шакллантирилди.

синдицияли кредитлар, сузувчи ставкада бериладиган ипотека кредитлари, ҳосилавий қимматли қоғозлар пайдо бўлди. Шунингдек, кредитлашнинг овердрафт, контокоррент, кредит линияси шакллари ҳам инновацион банк маҳсулотлари ҳисобланади ²³.

I боб бўйича хулоса

Иқтисодчи олимларнинг тижорат банкларининг активларини бошқариш хусусидаги илмий-назарий қарашларини таҳлил қилиш натижалари кўрсатдики, биринчидан, тижорат банкларининг активларини бошқаришда асосий эътибор гуруҳлаш ва таркибий таҳлилга қаратилиши лозим; иккинчидан, банк активларини бошқариш самарадорлигини ошириш учун янги ахборот-коммуникация технологияларидан (видеобанкингни ривожлантириш, алоқа каналларини янги технологиялар билан жиҳозлаш, онлайн банкинг технологиясини такомиллаштириш, автоматлаштирилган клиринг палаталари фаолиятини такомиллаштириш) фойдаланишга эътиборни кучайтириш зарур; учинчидан, тижорат банклари активларини бошқариш самарадорлигини таъминлашда молиявий инновацияларга асосий эътиборни қаратиш лозим.

- кредит рискин баҳолаш бўйича стандартлашган ёндашув;
- активларнинг рентабеллиги;
- даромад/харажат кўрсаткичи.

Хориж тажрибасини ўрганиш натижалари кўрсатдики:

* Россиянинг Сбербанкида харажатларнинг даромадларга нисбати кўрсаткичи бўйича 2018 йилга мўлжалланган режа кўрсаткичи 2017 йилда бажарилган;

* харажатларнинг активларга нисбатан даражаси бўйича 2018 йилга мўлжалланган режа кўрсаткичи 2017 йилда бажарилмаган;

* Сбербанкда соф фойданинг ва активларнинг ўсиш суръатлари бўйича 2018 йилга режалаштирилган кўрсаткичлар бажарилмаган;

²³ Кох Л.В. Принципы и механизмы повышения эффективности банковской деятельности на основе использования инвестиций. – СПб.:СПГПУ, 2010. – С. 110; 119.

* Сбербанк активларининг умумий ҳажмида кредитлар энг юқори салмоқни эгаллайган ва ушбу ҳолат ушбу банкнинг Россия иқтисодиётининг реал секторини кредитлашда муҳим роль ўйнаётганлигидан далолат беради;

* Дойчебанк даромадларининг асосий қисмини фоизли даромадлар ташкил этади ва мазкур ҳолат Дойчебанкнинг кредит операциялари ва қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган инвестицион операцияларининг ривожланганлиги билан изоҳланади;

* 2013-2015 йилларда Дойчебанк харажатларининг умумий ҳажмида фоизсиз харажатларнинг салмоғини пасайиш тенденциясига эга бўлганлиги мазкур даврда комиссия харажатлар миқдорининг каамайганлиги билан изоҳланади;

* 2012-2016 йилларда Бэнк оф Америка банки томонидан очилган аккредитивларнинг умумий ҳажмида стэнд-бай аккредитивларининг салмоғини юқори бўлганлиги АҚШ банклари учун стэнд-бай аккредитивнинг асосий аккредитив тури эканлигидан далолат беради.

II БОБ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ АКТИВЛАРИНИ БОШҚАРИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ҲОЛАТИ ВА ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

2.1 Тижорат банклари активларини бошқаришнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438-сонли “2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги ва 2015 йил 6 майдаги ПҚ-2344-сонли “Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва уларнинг ресурс базасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорларида Базель қўмитасининг банк назорати бўйича янги талабларини мамлакат банк амалиётига жорий этиш бўйича аниқ вазифалар қўйилди. Ушбу вазифаларни бажариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг 2015 йил 22 июлдаги 19/14-сонли (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил 13 августда 2709-сонли рақам билан рўйхатга олинган) “Тижорат банкларининг ликвидлилигини бошқаришга қўйиладиган талаблар тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги ҳамда Марказий банкнинг 2015 йил 13 июндаги 14/3-сонли (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил 6 июлдаги 2693-сонли рақам билан рўйхатга олинган) “Тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги йўриқномалари қабул қилинди.

Ушбу йўриқномаларда Базель қўмитасининг бир қатор янги талаблари, шу жумладан, банкларнинг ликвидлилиги ва барқарор молиялаштириш манбалари, капиталининг етарлилигига қўйиладиган талабларни босқичма-босқич ошириб бориш бўйича талаблари ўз аксини топди.

Ликвиддиликни қоплаш меъёри коэффициенти қуйидаги формула орқали ҳисобланади:

ЛҚМК =ЮЛА:30 к.ЖСЧ

бу ерда:

ЮЛА – юқори ликвидли активлар;

30 к. ЖСЧ – кейинги 30 кун ичидаги жами соф чиқим.

Ликвидлиликни қоплаш меъёри коэффициентининг энг паст меъёрий даражаси қуйидагича белгланган:

* 2016 йил 1 январдан бошлаб – 80%

* 2017 йил 1 январдан бошлаб - 90%

* 2018 йилдан 1 январдан бошлаб – 100%.

Юқори ликвидли активлар таркиби қуйидагилардан иборат:

* соф қуйма олтин;

* банкнинг Марказий банкдаги “Ностро” вакиллик ҳисобрақамидаги пул маблағлари (10301);

* 7 кунгача муддатдаги банклараро кредитлар ва депозитлар;

* “Standart & Poor’s”, “Fitch Ratings” ва “Moody’s” халқаро рейтинг агентликларининг энг юқори баҳолари берилган, ривожланган фонд биржалари рўйхатига киритилган, риск даражаси паст бўлган мамлакатларнинг трансмиллий компанияларининг қимматли қоғозлари;

* банкнинг бошқа банкларда очилган “Ностро” вакиллик ҳисобрақамларидаги пул маблағлари (10501);

* риск даражаси паст бўлган мамлакатлардаги банкларга жойлаштирилиб, таъминот сифатида қўйилмаган ликвидли активлар.

Соф барқарор молиялаштириш меъёри коэффициенти (СБММК) қуйидаги формула орқали ҳисобланади:

$$\text{СБММК} = \text{БММС} : \text{БМЗС}$$

Бу ерда:

БММС – барқарор молиялаштиришнинг мавжуд суммаси;

БМЗС – барқарор молиялаштиришнинг зарур суммаси.

Барқарор молиялаштиришнинг мавжуд суммасига қуйидагилар киради:

* банкнинг регулятив капитали;

- * қайтариш муддати 1 йил ва ундан ортиқ бўлган банк мажбуриятлари;
- * қайтариш муддати белгиланмаган бошқа депозитлар ва қарз маблағлари суммасининг 30 фоизи;

- * қайтариш муддати 1 йилдан кам бўлган бошқа депозитлар ва қарз маблағлари суммасининг 30 фоизи.

Барқарор молиялаштиришнинг зарур суммасига қуйидагилар киради:

- * қайтарилишига 1 йил ва ундан ортиқ муддат қолган банк активлари, шу жумладан, муаммоли кредитлар ва номолиявий активлар (ер участкалари, бинолар, мебель, компьютерлар ва автомашиналар);

- * суд жараёнида бўлган ёки белгиланган тартибда ундирилмаган активлар;

- * қайтариш муддати 1 йилдан кам бўлган бошқа активлар суммасининг 30 фоизи, муддатсиз ликвидли активлар бундан мустасно;

- * Балансдан ташқари моддалардаги мажбуриятларнинг 15 фоизи.

Соф барқарор молиялаштириш меъёри коэффиценти 2018 йилнинг 1 январидан бошлаб жорий этилади ва унинг энг паст меъёрий даражаси 100% қилиб белгиланган.

Ўзбекистон Республикасида тижорат банклари активларини таснифлаш Марказий банк Бошқарувининг 2015 йил 13 июндаги 14/5-сонли қарори билан тасдиқланган “Тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захиралар шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида”ги низом талаблари асосида амалга оширилади. Ушбу Низомга мувофиқ, тижорат банкларининг активлари сифатига кўра, “стандарт”, “субстандарт”, “қониқарсиз”, “шубҳали” ва “умидсиз” тоифаларга таснифланади ва улар бўйича қуйидаги ставкаларда захиралар ташкил қилинади:

- * стандарт активлар – 1 %;

- * субстандарт – 10 %;

- * қониқарсиз – 25 %;

- * шубҳали -50 %;

* умидсиз – 100 %²⁴.

Ҳозирги даврда республика тижорат банкларининг ликвидлигини баҳолаш ва бошқариш Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2015 йил 22 июлдаги 19/14-сонли қарори билан тасдиқланган “Тижорат банкларининг ликвидлигини бошқаришга қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги низом талаблари асосида амалга оширилади.

Мазкур Йўриқномага кўра, Марказий банк томонидан тижорат банкларининг жорий ликвидлигига нисбатан иқтисодий меъёр ўрнатилган. Ушбу иқтисодий меъёрнинг энг паст даражаси 30% бўлиб, у жорий активларнинг суммасини (тўлов муддати 30 кунгача бўлган банкнинг ликвидли активлари ва қуйилмалари, бундан муддати узайтирилган ёки қайтариш муддати ўтган кредитлар мустасно) жорий мажбуриятлар (талаб қилиб олингунча ва ижро этиш муддати 30 кунгача бўлган мажбуриятлар) суммасига нисбати орқали аниқланади²⁵.

Мазкур меъёрий талабнинг бажарилиши Марказий банк томонидан доимий равишда назорат қилинади ва тижорат банкларининг ликвидлигини таъминлашда муҳим ўрин тутди. Унинг камида 30% бўлишини таъминлаш учун тижорат банклари жорий ликвидли активлар ва жорий мажбуриятлар ўртасидаги мутаносибликни таъминлашлари зарур. Бунинг учун эса, улар активлар ва пасивларнинг оптимал таркибини шакллантиришлари зарур.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2015 йил 22 июлдаги 19/14-сонли “Тижорат банкларининг ликвидлигини бошқаришга қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги йўрқномасига асосан республикада тижорат банкларининг фаолиятига соф барқарор

²⁴ . Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2015 йил 13 июндаги 14/5-сонли (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил 14 июлда 2696-рақам билан рўйхатдан ўтказилган) “Тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захиралар шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори//Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2015. - №28. – 22-33-б.

²⁵ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2015 йил 22 июлдаги 19/14-сонли (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил 13 августда 2709-рақам билан рўйхатдан ўтказилган) “Тижорат банкларининг ликвидлигини бошқаришга қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори//Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2015. - №32. – 141-152-б.

молиялаштириш меъёри ва ликвидликни қоплаш меъёри кўрсаткичларининг киритилиши, фикримизча, биринчидан, тижорат банкларининг ликвидлигини барқарор тарзда сақлаб туриш имконини беради; иккинчидан, банклар фаолиятида мавжуд бўлган трансформация рискига барҳам беради; учинчидан, ресурссиз кредитлаш ҳолатининг юзага келишига имкон бермайди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Базель-III стандарти талабларидан келиб чиққан ҳолда, соф барқарор молиялаштириш меъёри коэффиценти ва ликвидликни қоплаш меъёри кўрсаткичларини аниқлаш методикаларини тасдиқлади. Унга кўра, соф барқарор молиялаштириш меъёри коэффиценти барқарор молиялаштиришнинг мавжуд суммасини барқарор молиялаштиришнинг зарурий суммасига бўлиш йўли билан аниқланади. Ликвидликни қоплаш меъёри кўрсаткичи юқори ликвидли активларни кейинги 30 кун ичидаги жами соф чиқимга нисбати сифатида аниқланади.


Мазкур коэффицентни жорий этилиши тижорат банклари пасивларининг барқарорлигини таъминлаш билан бирга, уларнинг ликвидлик даражасини оширишга ҳам хизмат қилади.

2.2 Банклар активларининг таркиби ва динамикаси

Тижорат банкларининг активларини жойлаштиришнинг замонавий ҳолати активларнинг таркиби ва динамикасида намоён бўлади. Бунда асосий эътибор активларнинг даромадлилиги ва риск даражаси ўртасидаги мутаносибликни таъминлашга, активларнинг ва мажбуриятларнинг муддатлари ўртасидаги номуаносибликнинг юзага келишига йўл қўймасликка қаратилади.

Республикаимиз тижорат банклари активларини жойлаштиришга молия бозорининг ривожланганлик даражаси, Марказий банк томонидан амалга ошириладиган пул-кредит сиёсати, мамлакатдаги иқтисодий конъюнктуранинг ҳолати бевосита таъсир кўрсатади.

Қуйидаги расм маълумотлари орқали Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари активларининг таркибига баҳо берамиз.



2.1-расм. Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари активларининг таркиби²⁶, фоизда, 2018 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра

2.1-расм маълумотларидан кўриш мумкинки, Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари активларининг умумий ҳажмида кредитлар энг юқори салмоқни эгаллайди. Бу эса, банкларнинг биринчи навбатда кредитлаш институтлари эканлиги билан изоҳланади.

2.1-расм маълумотлари кўрсатадики, тижорат банклари активларининг умумий ҳажмида салмоғига кўра иккинчи ўринни кассали активлар эгаллайди. Бу эса, салбий ҳолат ҳисобланади. Чунки, кассали активлар даромад келтирмайдиган активлар ҳисобланади.

Кассали активлар таркиби:

- тижорат банкининг кассасидаги нақд пуллар;
- тижорат банкининг Марказий банкдаги “Ностро” вакиллик ҳисобрақамидаги пул маблағлари;
- тижорат банкининг бошқа банклардаги “Ностро” вакиллик ҳисобрақамларидаги пул маблағлари;
- флоут.

²⁶ Расм муаллиф томонидан www.cbu.uz сайти маълумотлари асосида тузилган.

2.1-расм маълумотларидан кўринадик, қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар тижорат банклари активларининг умумий ҳажмида жуда кичик салмоқни эгаллайди. Бу эса, банкларнинг қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган инвестицион операцияларининг ривожланмаганлигидан далолат беради.

2.1-жадвал

Ўсаноатқурилишбанкда активлар ва мажбуриятларнинг муддатига кўра таркиби²⁷

	2013й.	2014й.	2015й.	2016й.	2017й.
Бир йилдан ортиқ муддатга эга бўлган активлар, трлн. сўм	0,3	0,5	0,8	1,4	1,6
Бир йилдан ортиқ муддатга эга бўлган мажбуриятлар, трлн. сўм	0,2	0,4	0,6	0,8	1,4

2.1-жадвал маълумотларидан кўринадик, Ҳамкорбанк активлари ва мажбуриятларининг муддатлари ўртасида номуаносиблик мавжуд. Бу эса, банкнинг ликвидлилигига салбий таъсир кўрсатади.

2.2-жадвал

Ўсаноатқурилишбанкда активлар ва мажбуриятларнинг муддатига кўра таркиби²⁸

	2013й.	2014й.	2015й.	2016й.	2017й.
Бир йилдан ортиқ муддатга эга бўлган активлар, трлн. сўм	3,2	4,1	4,9	7,5	13,2
Бир йилдан ортиқ муддатга эга бўлган мажбуриятлар, трлн. сўм	4,0	4,8	5,6	6,7	16,9

2.2-жадвал маълумотларидан кўринадик, Ўсаноатқурилишбанк активлари ва мажбуриятларининг муддатлари ўртасида жиддий номуаносиблик мавжуд. Бу эса, унинг ликвидлилигига салбий таъсир кўрсатади.

Агробанкда 2013-2017 йилларда Агробанкда соф фойданинг миқдори нобарқарор бўлган. Бунинг устига, 2014 йилда соф фойданинг миқдори 2013

²⁷ Жадвал Ҳамкорбанкнинг йиллик ҳисоботлари маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

²⁸ Жадвал Ўсаноатқурилишбанкнинг йиллик ҳисоботлари маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

йилга нисбатан кескин камайган. Бу эса, банкнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш нуқтаи-назаридан салбий ҳолат ҳисобланади.

2.3-жадвал

**АТ “Агробанк”да фоизли харажатлар ва фоизли даромадлар даражаси²⁹,
фоизда**

Кўрсаткичлар	2013й.	2014й.	2015й.	2016й.	2017й.
Фоизли даромадларнинг жами даромадлардаги салмоғи	54,3	60,3	60,5	59,5	62,1
Фоизли харажатларнинг жами харажатлардаги салмоғи	81,8	84,1	85,4	85,5	84,6

2.3-жадвал маълумотларидан кўринадик, Агробанк даромадларининг умумий ҳажмида фоизли даромадлар юқори салмоқни эгаллайди. Бу эса, Агробанк активларининг умумий ҳажмида кредитларни юқори салмоқни эгаллаши билан изоҳланади. 2018 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, Агробанк активларининг умумий ҳажмида кредитларнинг салмоғи 78,8 фоизни ташкил этди.

2.3-жадвал маълумотларидан кўринадик, Агробанк харажатларининг умумий ҳажмида фоизли харажатлар юқори салмоқни эгаллайди. Бу эса, банкнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш нуқтаи-назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади.

Ҳамкорбанк 2016 йил 12 ой давомида жами 698,52 млрд. Сўм ташкил қилган бўлса, 2017 йил фаолияти давомида 971,0 млрд. сўм миқдорида даромад олишга эришди. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу давридаги нисбатан қарийб 140%га яқин ортган.

Даромадлар таркибида асосий ўринда турувчи фоизли даромадлар 2016 якунларига кўра 387,37 млрд. сўмни, 2017 йил давомида 579,15 млрд сўмни ташкил қилиб, ўтган йилга нисбатан 150%га ўсган.

Шуниси аҳамиятлики, тижорат банкларининг кредитлаш амалиётини кўллаб-қувватлашга қаратилган давлат сиёсати изчиллик билан амалга оширилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги ПҚ-3270-сонли “Республика банк тизимини янада

²⁹ Жадвал муаллиф томонидан www.agrobank.uz сайти маълумотлари асосида тузилган.

ривожлантириш ва барқарорлигини оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорида тижорат банкларининг кредит портфелини шакллантириш жараёнларига вазирликлар ва идораларнинг, жойлардаги давлат ҳокимияти органларининг раҳбарларини аралашувига йўл қўйилмаслиги белгилаб қўйилган.

2.4-жадвал

АТ “Алоқабанк” кредит портфелининг таркиби, минг.сўмда.

	Кўрсаткич номи	2012 й.	2013 й.	2014 й.	2015 й.	2016 й.	2017 й.
Кредит муддатига кўра							
	Қисқа муддатли кредитлар	58 499,1	68 191,0	66 510,7	35 380,8	36 154,7	88586,0
	Узоқ муддатли кредитлар	347 725,0	420 736,8	498 822,0	912 337,5	1 065 399,0	1 543 912,3
Валюта турига кўра							
	Миллий валютада ажратилганкредитлар	386 398,7	472 521,2	551 498,0	943 056,9	1 090 950,1	1 514 725,9
	Хорижий валютада ажратилганкредитлар	19 825,3	16 406,6	13 834,8	4 661,4	10 603,6	177772,3
Субъектга кўра							
	Жисмоний шахсларга ажратилганкредитлар	38 642,6	92 674,6	92 674,6	153 336,1	164 817,0	322013,9
	Юридик шахсларга ажратилганкредитлар	367 581,5	396 253,2	472 658,1	794 382,2	936 736,7	1 310 484,3

2.4-жадвал маълумотларидан кўринадик, биринчидан, 2012-2017 йилларда Алоқабанк кредитларининг миқдори ўсиш тенденциясига эга бўлган; иккинчидан, кредитлар ҳажмида узоқ муддатли кредитлар юқори салмоқни эгаллайди; учинчидан, хорижий валюталарда берилган кредитлар Банкнинг кредит портфелида нисбатан кичик салмоқни эгаллайди;

тўртинчидан, юридик шахсларга ажратилган кредитларнинг кредит портфелидаги улуши нисбатан жуда юқоридир.

2.5-жадвал

АТ “Алоқабанк”да қисқа ва узоқ муддатли кредитлар бўйича яратилган захиралар, млн. сўмда.

Кўрсаткичлар	2012 й.	2013 й.	2014 й.	2015 й.	2016 й.	2017 й.
Қисқа муддатли кредитларга қилинган захиралар	125,0	1 147,1	0,0	103,3	0,1	132,8
Узоқ муддатли кредитларга қилинган захиралар	2 172,3	1 068,3	205,8	187,2	36,3	5 102,1


2.5-жадвал маълумотларидан кўринадикки, АТ “Алоқабанк”да 2017 йилда узоқ муддатли кредитлар бўйича зарарларни қоплашга мўлжалланган заҳира ажратмалари миқдорининг олдинги йилларга нисбатан кескин ошганлиги кузатилди. Бу эса, узоқ муддатли кредитлар таснифий таркибининг ёмонлашганлиги билан изоҳланади.

2.6-жадвал

АТ “Алоқабанк”да қисқа ва узоқ муддатли кредитлар бўйича яратилган захиралар, млн. сўмда.

Кўрсаткичлар	2012 й.	2013 й.	2014 й.	2015 й.	2016 й.	2017 й.
Қисқа муддатли кредитларга қилинган захиралар	125,0	1 147,1	0,0	103,3	0,1	132,8
Узоқ муддатли кредитларга қилинган захиралар	2 172,3	1 068,3	205,8	187,2	36,3	5 102,1

2.6-жадвал маълумотларидан кўринадикки, АТ “Алоқабанк”да 2017 йилда узоқ муддатли кредитлар бўйича зарарларни қоплашга мўлжалланган заҳира ажратмалари миқдорининг олдинги йилларга нисбатан кескин ошганлиги кузатилди. Бу эса, узоқ муддатли кредитлар таснифий таркибининг ёмонлашганлиги билан изоҳланади.



2.2-расм. Ҳамкорбанкда 2013-2017 йилларда кредитлар ва муаммоли кредитлар миқдори³⁰, млн. сўм

2.2-расм маълумотларидан кўринадики, 2013-2017 йилларда Ҳамкорбанкнинг кредит портфелида муаммоли кредитларнинг миқдорини ўсиш тенденцияси кузатилган. Бу эса, Банкнинг кредит портфелини сифатини ёмонлашиб бораётганлигидан далолат беради.

2012-2016 йилларда “Ипотека-банк” АТИБда кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмалари даражаси меъёрий даражадан паст бўлгани ҳолда, “Асака”банкда ушбу кўрсаткичнинг даражаси меъёрий даражага нисбатан сезиларли даражада юқори бўлган. Бу эса, “Асака”банкда таснифланган кредитлар таркибини ёмонлашганлигидан далолат беради ва унинг кредитлаш самарадорлигини таъминлаш нуқтаи-назаридан салбий ҳолат ҳисобланади.

АТБ “Агробанк”нинг кредитлаш амалиётини таҳлил қилиш натижалари кўрсатдики, банк томонидан берилган ва муддати ўтган кредитларининг асосий қисми қишлоқ хўжалиги ва саноат тармоқларининг ҳиссасига тўғри келади. Бу эса, мазкур тармоқларга берилган кредитларнинг Банк кредит портфелидаги салмоғининг катта эканлиги билан изоҳланади.

³⁰ Жадвал муаллиф томонидан Ҳамкорбанкнинг йиллик ҳисоботлари маълумотлари асосида тузилган.

Шунингдек, моддий-техника таъминоти тармоғига ҳам муддати ўтган кредитларнинг сезиларли қисми тўғри келади.

Транспорт ва коммуникация, савдо ва қурилиш тармоқларига берилган кредитларнинг АТБ “Агробанк” кредит портфелидаги салмоғининг кичиклиги туфайли ушбу тармоқларнинг муддати ўтган кредитлар ҳажмидаги улуши ҳам кичик бўлган.

2.7-жадвал

2013-2017 йиллар ичида муаммога айланган кредитларнинг Ҳамкорбанк даромадига таъсири, млн. сўм

Йиллар	Кредит портфел	Фоизли даромад	Ўстирмаслик мақоми берилган кредитлар қолдиги	Хисобланиши керак бўлган фоизли даромад	Жами фоизли даромаддаги хисобланмаган даромад улуши. % да
01.01.2014	643 000	166 000	1 527	335	0,20
01.01.2015	1 159 000	211 000	3 406	749	0,35
01.01.2016	1 643 000	269 000	6 851	1 507	0,56
01.01.2017	2 470 000	387 000	5 463	1 201	0,31
01.01.2018	3 228 000	579 000	10 048	2 009	0,35
Жами	9 143 000	1 612 000	24 295	5 801	0,36

Юқоридаги жадвалдан кўриниб турибдики, фоизли даромадлар кредит портфелига паралел ортиб бормоқда, лекин риск юқори бўлганлиги сабабли кўзда тутилмаган харажатлар ҳисобига соф фойда миқдори тушиб кетмоқда.

Тижорат банклари актив операцияларининг муҳим турларидан бири бўлиб, аккредитив операциялари ҳисобланади.

Қуйидаги жадвал маълумотлари орқали тижорат банкларининг аккредитив операцияларига баҳо берамиз.

2.8-жадвал

**АТИБ «Ипотека банк» томонидан 2011-2017 йиллар мобайнида
экспорт операцияларида фойдаланилган аккредитив ҳисоб шакллари³¹
(млн АҚШ долларида)**

Йиллар	Очилган аккредитивлар сони	Аккредитив суммалари	Бир аккредитивга тугри келадиган сумма
2011	48	320,76	6,6
2012	59	373,06	6,3
2013	58	306,39	5,2
2014	51	254,27	4,9
2015	44	191,13	4,3
2016	35	201,55	5,7
2017	51	46,88	0,9

2.8-жадвал маълумотларидан кўринадикки, 2012-2014 йилларда АТ “Ипотекабанк”да экспорт бўйича очилган ҳужжатлаштирилган аккредитивлар суммасининг пасайиш тенденцияси кузатилган. Бунинг устига, 2016 йилда Ипотекабанк томонидан экспорт аккредитивлари суммаси 2015 йилга нисбатан кескин камайган. Бу эса, Банкнинг ташқи савдога ҳисоб-китоб хизмати кўрсатиш амалиётини такомиллаштириш нуқтаи-назаридан салбий ҳолат ҳисобланади.

Аккредитив тўлов турининг мураккаб жарён бўлгани ва уни расмийлаштириш ҳамда амалга ошириш харажатларининг юқорилиги сабабли кўпгина маҳаллий экспортга йўналтирилган йирик бўлмаган ишлаб чиқарувчилар бу механизмдан фойдаланмасликка ҳаракат қилганлар. Аксинча йирик компаниялар эса тўлов билан бўладиган рискларни камайтириш мақсадида аккредитив ҳисоб туридан фойдаланганлар. Қолган

³¹ www.ipotekabank.uz сайти маълумотлари.

кўпгина ҳолларда эса ташқи савдо ҳисоб китобларида олдиндан тўлов турини амалга ошириш орқали бажариб келинган.

2.3. Тижорат банклари активларини бошқаришга таъсир қилаётган омиллар

Тижорат банклари активларига таъсир қилаётган асосий омиллардан бири бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг пул-кредит сиёсати ҳисобланади.

2.9-жадвал

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг мажбурий захира ставкалари³²

Мажбурият тури	Муддати	Захира ставкаси, %
Юридик шахсларнинг миллий валютадаги депозитлари	2 йилдан ортиқ	0
	1 йилдан 2 йилгача	7
	Бошқа депозитлар	14
Юридик шахсларнинг чет эл валютасидаги депозитлари	2 йилдан ортиқ	0
	1 йилдан 2 йилгача	8
	Бошқа депозитлар	16
Жисмоний шахсларнинг миллий валютадаги депозитлари	2 йилдан ортиқ	0
	1 йилдан 2 йилгача	2
	Бошқа депозитлар	4
Жисмоний шахсларнинг чет эл валютасидаги депозитлари	2 йилдан ортиқ	0
	1 йилдан 2 йилгача	3
	Бошқа депозитлар	6

2.9-жадвал маълумотларидан кўринадикки, юридик ва жисмоний шахсларнинг тижорат банкларидаги 2 йилдан ортиқ муддатдаги депозитлари мажбурий захира талабномасидан озод қилинган. Бу эса, тижорат банкларининг узоқ муддатли ресурс базасини мустаҳкамлаш амқсадида қилинган.

2009 йилда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг мажбурий захира ставкалари тижорат банклари депозитларининг муддатига боғлиқ равишда табақалаштирилди. Бундан кўзланган мақсад – тижорат банкларининг узоқ муддатли ресурс базасини мустаҳкамлашга кўмаклашиш.

³² www.cbu.uz. (Ўзбекистон Республикаси Марказий банки) сайти маълумотлари

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Ҳукуматга тегишли пул маблағларидан, масалан, Давлат бюджети маблағларидан муомаладаги пул массасини тартибга солишда фойдаланади. Давлат бюджети даромадларини келиб тушиш вақти билан бюджет харажатларини молиялаштириш вақти ўртасидаги фарқ туфайли маълум миқдордаги пул маблағларини тўпланиши юз беради. Марказий банк ана шу пул маблағларидан вақтинчалик фойдаланади. Германия Марказий банки, яъни Бундесбанк амалиётида ушбу пул маблағлари муомаладаги пул массасини бошқаришнинг “нозик воситаси” деб аталади.

Марказий банк тижорат банкларининг “Ностро” вакиллик ҳисобрақамларидаги ортиқча пул маблағларини ўзининг депозит ҳисобрақамларига жалб этиш йўли билан банк тизимининг ликвидлигига ва тижорат банкларининг кредитлаш имкониятига сезиларли даражада таъсир кўрсатади.

Шуниси характерлики, республикамизда иқтисодиётнинг пул маблағлари билан таъминланганлик даражаси билан тижорат банкларининг кредит экспансияси ўртасида икки томонлама алоқадорлик мавжуд. Мазкур алоқадорликнинг моҳияти шундаки, бир томондан, тижорат банклари кредит экспансияси кўламининг кенг эмаслиги (кредитларнинг ЯИМга нисбатан даражаси билан ўлчанади) иқтисодиётнинг пул маблағлари билан таъминланганлик даражасини оширишга тўсқинлик қилса, иккинчи томондан иқтисодиётнинг пул маблағлари билан таъминланганлик даражасининг паст эканлиги тижорат банклари фаолятидаги кредит rischi даражасининг юқори бўлишига сабаб бўлмоқда. Бунинг сабаби шундаки, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан етказиб берилган товарлар ва кўрсатилган хизматлар ҳақини ўз вақтида тўланмаслиги уларнинг пул оқими барқарорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Қуйида биз тижорат банклари кредитлардан олинадиган даромадларга таъсир қилувчи омилларнинг эконометрик таҳлилини амалга оширамиз.

Моделдаги омиллар сифатида – натижавий омил, бу кредитдан олинадиган даромад (CREDPROFIT - 1 сўмлик кредитнинг даромадлилиги, %) ва унга таъсир этувчи омиллар сифатида кредитнинг фоиз ставкаси (CREDRATE - берилган кредитларнинг ўртача йиллик фоиз ставкалари, %) ва кредит ҳажмининг логарифмланган қийматлари (CREDVOL – берилган кредитлар ҳажми, трлн. сўм) олинди.

Кредитлардан олинадиган фоизли даромадлар даражаси, одатда, икки омилнинг ўзгариши натижаси ҳисобланади:

- кредит қуйилмалари ҳажмини ўзгариши;
- фоиз ставкалари даражасининг ўзгариши.

Аммо, республикамиз амалиётида имтиёзли ставкада бериладиган кредитлар ҳам мавжудки, уларнинг даромадлилиқ даражаси паст бўлади. Ушбу имтиёзли кредитларда кредит қуйилмаларининг ўсиш суръати билан кредитлардан олинадиган фоизли даромадларнинг ўсиш суръати ўртасида доимо номутаносиблик мавжуд бўлади.

Бироқ, таъкидлаш жоизки, республикамизда маиший хизматлар соҳасига имтиёзи кредитлар бериш амалиёти мавжуд эмас.

Кўп омилли эконометрик таҳлилнинг асосий қоидаларидан бири, бу моделга танланиб олинадиган омиллар ўртасида боғланиш зичликларини аниқлаш, яъни танланаб олинаётган омиллар ўртасида боғланиш мультиколлинеарлик муаммосини текшириш ҳисобланади. Бунинг учун омиллар ўртасида корреляция коэффицентлари ҳисобланади.

x_i ва y_i ўзгарувчилар $i=1,...,n$ қийматларни қабул қилишда, x ва y ўртасида чизикли боғлиқликни кўрсатувчи энг кўп тарқалган кўрсаткич бўлиб, корреляция коэффиценти ҳисобланади ва у қуйидагича ҳисобланади:

$$r_{xy} = \frac{Cov(x, y)}{\sqrt{Var(x)}\sqrt{Var(y)}}.$$

(1) тенгламанинг суратида турган $Cov(x, y)$ қиймат қуйидаги нисбат билан аниқланади:

$$Cov(x, y) = \frac{1}{n-1} \sum_{i=1}^n (x_i - \bar{x})(y_i - \bar{y})$$

x ва y ўзгарувчиларнинг ковариацияси дейилади ва қуйидагича топилади:

$$Cov(x, x) = Var(x), Cov(y, y) = Var(y).$$

Иқтисодиётнинг реал секторига берилган кредитлардан олинadиган даромад ва унга таъсир этувчи омиллар ўртасида қуйидаги кўринишда корреляцион матрица тузилди (5-жавдал).

2.10-жадвал

Омиллар ўртасида боғланишларнинг корреляцион матрицаси

	CREDPROFIT	CREDRATE	LOG(CREDVOL)
CREDPROFIT	1	0.845	-0.844
CREDRATE	0.845	1	-0.763
LOG(CREDVOL)	-0.844	-0.763	1

Юқоридаги 4.5-жадвал маълумотларидан шуни айтиш мумкинки, хусусий корреляция коэффициентлари, яъни натижавий омил (CREDPROFIT) ва таъсир этувчи биринчи омил (CREDRATE) ўртасида зич тўғри алоқа (0,845) мавжуд экан. Бу шуни кўрсатадики, кредитнинг фоиз ставкасининг ортиб бориши, кредит даромадлигини ортишига олиб келади. Аммо, иккинчи омил, кредит ҳажмининг логарифмланган қиймати (LOG(CREDVOL)) билан зич тескари алоқа (-0,844) мавжуд, яъни кредит ҳажмининг логарифмланган қийматининг ортиши, кредит даромадлигини пасайишига олиб келади ва тескариси.

Кредит даромадлиги бўйича кўп омилли эконометрик модел тузиш учун, ушбу икки омил ҳам олинади ва уларнинг моделда ўзларини қандай тутишларини текшириб кўрилади. Умумий ҳолда кўп омилли эконометрик модел қуйидаги кўринишга эга:

$$y = a_0 + a_1x_1 + a_2x_2 + \dots + a_nx_n$$

бу ерда y - натижавий омил; $x_1, x_2, \dots, x_n$ - таъсир этувчи омиллар.

(3) моделдаги номаълум $a_0, a_1, \dots, a_n$ параметрларни топиш учун қуйидаги нормал тенгламалар тизими тузилади.

$$\left\{ \begin{array}{l} na_0 + a_1 \sum x_1 + a_2 \sum x_2 + ... + a_n \sum x_n = \sum y \\ a_0 \sum x_1 + a_1 \sum x_1^2 + a_2 \sum x_1 x_2 + ... + a_n \sum x_n x_1 = \sum yx_1 \\ \\ a_0 \sum x_n + a_1 \sum x_1 x_n + a_2 \sum x_2 x_n + ... + a_n \sum x_n^2 = \sum yx_n \end{array} \right.$$

Ушбу (4) нормал тенгламалар тизимини Гаусс усули ёки ўрнига қўйиш усули орқали ечилса, у ҳолда номаълум $a_0, a_1, \dots, a_n$ параметрларнинг аналитик қийматлари топилади.

Тижорат банкларининг иқтисодийнинг реал секторига ажратган кредитларидан банклар фаолиятларига келтирган кредит самараси регрессион таҳлилнинг энг кичик квадратлар усули ёрдамида таҳлил қилинди. Кредит самарадорлиги кўрсаткичи сифатида ҳар бир берилган 1 сўмлик кредитнинг даромадлилик даражаси (credprofit) боғлиқлиги танланма этиб танлаб олинди. Унга таъсир этувчи омиллар сифатида боғлиқсиз танланмаларга хизматлар соҳасига сўмда берилган кредитларнинг ўртача йиллик фоиз ставкалари (credrate) ҳамда берилган кредитларнинг умумий ҳажми (credvol) олинди.

Мазкур омиллар қуйидаги 3 та назарий қарашга асосланади:

- банклар томонидан ажратилаётган кредитларнинг ўртача йиллик фоиз ставкалари қанчалик пасайса, ушбу ажратилган кредитлардан олинadиган даромадлилиги ҳам пасаяди;
- банклар томонидан берилган кредитларнинг ҳажмини кўпайиши кредитларнинг даромадлилик даражасини пасайтириши ёки ошириши мумкин. Бунга кредитлар фоиз ставкаларининг даражасини ўзгариши таъсир қилади;

- банклар томонидан ажратилаётган кредитларнинг ўртача йиллик фоиз ставкаларини пасайиши билан ажратилаётган кредитларнинг умумий ҳажми кўпайса, ажратилган кредитларнинг даромадлилик даражаси ошади.

Eviews дастуридан фойдаланиб, энг кичик квадратлар усулини қўллаш орқали қуйидаги натижа олинди:

2.11-жадвал.

Eviews дастурида кредит даромадлиги бўйича кўп омилли эконометрик модел натижалари.

Ўзгарувчи	Коэффициент	Стандарт хатолик	t-статистика	Эҳтимоллиги
CREDRATE	0.801	0.419	1.910	0.098
LOG(CREDVOL)	-1.805	0.920	-1.961	0.091
C	-4.123	7.056	-0.584	0.577
R-квадрат		0.838	Боғлиқ ўзгарувчи ўртачаси	5.890
Текисланган R-квадрат		0.792	Боғлиқ ўзгарувчи стандарт четланиши	2.848
Регрессиянинг стандарт хатолиги		1.299	Акайке ахборот мезони	3.605
Қолдиқлар квадрати йиғиндиси		11.821	Шварц мезони	3.696
Логарифмик ҳақиқатга яқинлик		15.026	Ханна-Куин мезони	3.505
F-статистика		18.117	Дарбин-Уотсон статистикаси	2.021
Эҳтимоллик (F-статистика)		0.000		

Бунда: боғлиқ ўзгарувчи: CREDPROFIT; усул: энг кичик квадратлар; танланма: 2006-2015 йй.; кузатувлар сони: 10

6-жадвал маълумотларидан фойдаланиб, эконометрик моделнинг аналитик кўринишини ёзамиз:

$$Credprofit = 0,801 \cdot Credrate - 1,805 \cdot \log(Credvol) - 4,123$$

(1,910) (-1,961) (-0,584)

$$R^2 = 0,8; \quad F = 18,117; \quad DW = 2,021;$$

Тузилган ушбу кўп омилли эконометрик модел шуни кўрсатадики, кредитнинг фоиз ставкаси (CREDRATE) ўртача 1 фоизга пунктга ошса, кредитдан олинadиган даромад ўртача 0,801 га ортар экан. Аммо, кредит ҳажмининг логарифмланган қиймати (LOG(CREDVOL)) бир бирликка ошса, кредитдан олинadиган даромад ўртача 1,805 га камаяр экан. Моделда кавслар

ичида келтирилган қийматлар ҳар омилнинг ишончлилигини аниқлайдиган t -Стъудент мезонининг қийматларидир.

Олинган натижада коэффицент миқдорларини ифодаловчи R^2 детерминация коэффиценти 0,8 га тенг бўлди. Бу эса натижавий омилнинг танланган омиллар билан етарлича зич алоқада эканлигини кўрсатади, яъни кредитдан олинadиган даромад (CREDPROFIT) 80,0 фоизга кўп омилли эконометрик моделга киритилган кредитнинг фоиз ставкаси (CREDRATE) ва кредит ҳажмининг логарифмланган қиймати (LOG(CREDVOL)) га боғлиқ экан. Қолган 20,0 фоизи эса, ҳисобга олинмаган омиллар таъсиридир.

II боб бўйича хулоса

Тижорат банклари активларини бошқаришнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438-сонли “2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги қарор;

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 6 майдаги ПҚ-2344-сонли “Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва уларнинг ресурс базасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори;

– Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг 2015 йил 22 июлдаги 19/14-сонли (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил 13 августда 2709-сонли рақам билан рўйхатга олинган) “Тижорат банкларининг ликвидлилигини бошқаришга қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низоми;

– Марказий банкнинг 2015 йил 13 июндаги 14/3-сонли (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил 6 июлдаги 2693-сонли рақам билан рўйхатга олинган) “Тижорат банклари капиталининг

монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги йўриқномаси;

– Ўзбекистон Республикаси Марказий банк Бошқарувининг 2015 йил 13 июндаги 14/5-сонли қарори билан тасдиқланган “Тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни коплаш учун захиралар шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида”ги низом.

Амалга оширилган таҳлилларнинг натижалари кўрсатдики:

* Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари активларининг умумий ҳажмида кредитлар энг юқори салмоқни эгаллайди, бу эса, банкларнинг биринчи навбатда кредитлаш институтлари эканлиги билан изоҳланади; тижорат банклари активларининг умумий ҳажмида салмоғига кўра иккинчи ўринни кассали активлар эгаллаши салбий ҳолат ҳисобланади; қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар тижорат банклари активларининг умумий ҳажмида жуда кичик салмоқни эгаллайди. Бу эса, банкларнинг қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган инвестицион операцияларининг ривожланмаганлигидан далолат беради.

* Ҳамкорбанк активлари ва мажбуриятларининг муддатлари ўртасида номуаносибликнинг мавжудлиги аниқланди;

. * 2013-2017 йилларда Ўсаноатқурилишбанк активлари ва мажбуриятларининг муддатлари ўртасида жиддий номуаносибликнинг мавжудлиги кузатилди;

* Агробанкда 2013-2017 йилларда Агробанкда соф фойданинг миқдорини нобарқарор бўлганлиги, 2014 йилда соф фойданинг миқдори 2013 йилга нисбатан кескин камайганлиги банкнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш нуқтаи-назаридан салбий ҳолат ҳисобланади;

* 2012-2017 йилларда Алоқабанк кредитларининг миқдори ўсиш тенденциясига эга бўлган; иккинчидан, кредитлар ҳажмида узоқ муддатли кредитлар юқори салмоқни эгаллайди; учинчидан, хорижий валюталарда берилган кредитлар Банкнинг кредит портфелида нисбатан кичик салмоқни

эгаллайди; тўртинчидан, юридик шахсларга ажратилган кредитларнинг кредит портфелидаги улуши нисбатан жуда юқоридир.

Тижорат банкларининг кредитлардан олинадиган даромадларига таъсир қилувчи омилларнинг эконометрик таҳлили натиажлари кўрсатдики, кредитнинг фоиз ставкаси (CREDRATE) ўртача 1 фоизга пунктга ошса, кредитдан олинадиган даромад ўртача 0,801 га ортар экан. Аммо, кредит ҳажмининг логарифмланган қиймати (LOG(CREDVOL)) бир бирликка ошса, кредитдан олинадиган даромад ўртача 1,805 га камаяр экан. Моделда кавслар ичида келтирилган қийматлар ҳар омилнинг ишончлилигини аниқлайдиган t -Стюдент мезонининг қийматларидир.

Олинган натижада коэффицент миқдорларини ифодаловчи R^2 детерминация коэффиценти 0,8 га тенг бўлди. Бу эса натижавий омилнинг танланган омиллар билан етарлича зич алоқада эканлигини кўрсатади, яъни кредитдан олинадиган даромад (CREDPROFIT) 80,0 фоизга кўп омилли эконометрик моделга киритилган кредитнинг фоиз ставкаси (CREDRATE) ва кредит ҳажмининг логарифмланган қиймати (LOG(CREDVOL)) га боғлиқ экан. Қолган 20,0 фоизи эса, ҳисобга олинмаган омиллар таъсиридир.

III БОБ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ АКТИВЛАРИНИ БОШҚАРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

3.1 Тижорат банклари активларини бошқаришни такомиллаштириш билан боғлиқ муаммолар

Диссертацион тадқиқотни амалга ошириш жараёнида республикаимиз тижорат банкларининг активларини бошқариш амалиётини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган қуйидаги муаммоларнинг мавжудлиги аниқланди:

1. Тижорат банклари активларининг рентабеллик даражасининг паст эканлиги.

Тадқиқотнинг иккинчи бобини ёзиш жараёнида амалга оширилган таҳлилларнинг натижалари кўрсатдики, республикаимиз тижорат банкларида активларнинг рентабеллик даражаси нисбатан паст. Бу эса, биринчидан, муаммоли активлар миқдорининг нисбатан катта эканлиги билан; иккинчидан, соф фойда миқдорининг кичиклиги билан, учинчидан, соф фойданинг ўсиш суръатини активларнинг ўсиш суръатидан паст эканлиги билан изоҳланади.

2. Тижорат банкларида муддати ўтган кредитлар миқдорининг катта эканлиги.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги ПҚ-3270-сонли “Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини оширишга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорида тижорат банклари томонидан берилган ва 2017 йилнинг якунига келиб муддати тугайдиган 7220 млрд. сўм миқдоридаги кредитни қайтариш графигига қатъий риоя қилган ҳолда қайтаришни таъминлаш ва 2017 йилда

90 млрд. сўм миқдоридаги, 2018 йилда эса, 460,4 млрд. сўм миқдоридаги муддати ўтган кредитларни ундириш талаби қўйилган³³.

ТИФ Миллий банки мисолида олиб кўрадиган бўлсак, хорижий кредит линиялари ҳисобидан кредит олган хўжалик субъектлари томонидан ўз мажбуриятларини вақтида бажара олмаганликлари сабабли, банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан хорижий кредиторларга уларнинг асосий қарзлари ва фоизлари учун АҚШ долларида маблағлар тўлаб берилмоқда.

Натижада бу кредитлар ва фоизлар банкка қайтарилмасдан муддати бир неча бор узайтириб келинмоқда. Бу узайтиришлар фақат ички узайтиришлар бўлиб, ташқи кредиторлар билан фақат 4 та корхона, яъни «Фарғона» фуран бирикмалари заводи», «Каолин», «Ўзсматана сантехника» ва «Хобас Тапо» қўшма корхоналарининггина 30 млн. АҚШ доллари миқдоридаги кредитларининг муддати узайтирилган холос.

Шунингдек, ҳукумат томонидан кафолатланган кредитлар бўйича муддати ўтган кредитлар йил бошидан йил охирига томон у ошиб боради, янги йилда эса «янги узайтиришлар» ҳисобидан у камаяди, муддати узайтирилган кредитлар эса яна кўпаяди. Бу «анъана» банк учун хавфли эканлигини айтиб ўтиш жоиздир.

Хорижий кредит линиялари ҳисобидан кредит олган «Ўзсматана сантехника» (16 млн. АҚШ доллари), «Хобас Тапо» (51868 минг АҚШ доллари), «Каолин» (27401 минг АҚШ доллари), «Ўзэксайд» (53627 минг АҚШ доллари), «Янтак Брит» (2090 минг АҚШ доллари), қўшма корхоналари «Болалар таомлари» Холдинг компанияси (58898 минг АҚШ доллари), «Аснам текстил» қўшма корхонаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори ва Техник иқтисодий асосларда кўрсатилган муддатларда ишга туширилмаганлиги, ишлаб чиқарилган маҳсулотларини экспорт қилиниши белгиланган корхоналар («Оҳангаронстройпласт», Енгил саноат Уюшмаси тизимидаги қўшма корхоналар» «Каолин» қўшма корхонаси) ўз

³³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги ПҚ-3270-сонли “Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини оширишга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори www.lex.uz.

маҳсулотларини экспорт қила олмаганлиги натижасида хорижий кредиторларга банк ўз маблағлари ҳисобидан кредит ва унинг фоизларини тўлаб берган.

Таъкидлаш жоизки, инвестицион лойиҳаларнинг ўзини оқламаслиги банкларнинг узоқ муддатли кредитларини ўз вақтида қайтмаслигининг асосий сабабларидан биридир.

Республикамиз иқтисодиётининг реал секторида амалга оширилган катор инвестицион лойиҳаларнинг ўзини оқламаслиги қуйидаги сабаблар билан изоҳланади:

- корхоналар хориждан келтирилагидан хом-ашёларга ўта боғлиқлиги, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга талаб йўқлиги («Каолин», «Янтак-Брит» қўшма корхоналари), «Охангаронстройпласт» ХЖ);
- корхоналарнинг лойиҳада белгиланган қувватда ишламаслиги («Пап Фен» қўшма корхонаси 80% қувватда, «Аснам-текстил» қўшма корхонаси 60%, «Косонсой-Текмен» қўшма корхонаси 15% қувватда, «Охангаронстройпласт» ХЖ 10% қувватда ишламоқда);
- айрим корхоналарнинг хом-ашё базаси билан таъминланмаганлиги (Хоразм шакар заводи, Фарғона фуран бирикмалари заводи, Фарғона кимёвий толалар заводи);
- қурилган меҳмонхоналарнинг бор йўғи 30-35 фоиз юкламада ишлаётганлиги («Шодлик», «Шератон» меҳмонхоналари);
- қўшма корхона очилиши вақтида хорижий таъсисчилар томонидан ишлаб чиқарилиши мўлжалланаётган маҳсулотни хорижга сотиш ёки уларни сотиб олиш мажбуриятини рўйхатдан ўтказилган, Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори қабул қилинган, банкка тақдим этиладиган Техник иқтисодий асосларда маҳсулотларни хорижга эркин алмашинадиган валютада сотилишини таъминлаш белгиланган), ишлаб чиқариш бошлангандан сўнг эса бу мажбуриятлар бажарилмаслиги;

Масалан, «Каолин» қўшма корхонасининг таъсисчиларидан бири «Кулькони» фирмасига ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотиш маъсулияти

Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорида ва корхонанинг уставида кўрсатилган, лекин у корхона ўз бадалини ҳам қўймаган ҳолда маҳсулотни сотиш мажбуриятини ҳам бажармаган;

- кўпгина лойиҳаларга қилинган капитал харажатларни ўзини оқламаслиги: Вазирлар ва идоралар томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш тармоғида йирик корхоналар куриш орқали лойиҳаларни амалга оширишга лойиҳалар танланган. Жаҳон тажрибасида бундай фаолият кичик ва ўрта бизнес субъектлари лойиҳада хорижий валютада қайтарилиши кўзда тутилган бўлсада, амалда маҳсулот экспорт қилинмаган ёки жуда кам экспорт қилинганлиги (Масалан, йилига 3840 тонна канава тайёрлаши лозим бўлган «Пап Фен» қўшма корхонасига 160 минг АҚШ доллари миқдорида тушум тушган ҳолос);

Масалан, «Болалар таомлари Холдинг» компаниясига бир нечта консерва заводлари базасида болалар таомлари ишлаб чиқариш учун 2 йил ичида 34 млн. АҚШ доллари харажат қилинган ва ҳеч қандай ижобий натижа олинмаган. Холдинг таркибидаги биронта консерва заводи ҳали ишга тушмаган. Ҳозирги вақтда корхонанинг ҳукумат томонидан кафолатланган «Ситибанк» (АҚШ) ва «КФВ» банк (Германия) кредит линияси бўйича жами 55809 минг АҚШ доллари ва ҳукумат томонидаи кафолатланмаган 214 млн. сўм қарзи мавжуд. Бу қарзларни тўлаш муддати бир неча бор узайтирилган бўлсада «қайта кўрилган ссудалар» ҳисоб рақамларига тўла олинмасдан, муддатли ссудалар ҳисоб рақамларида ҳисобга олиниб келинмоқда;

- сотиб олинган ускуналар тендер асосида эмас, балки бу ускуналарни ўрнатиш технологияси бўйича тажрибаси бўлмаган воситачилардан сотиб олиниши ва уларни ўрнатишни чўзилиши; («Эксайд» қўшма корхонаси, «Ўзсматана сантехника» қўшма корхонаси);

- лойиҳаларда маҳаллий бозор талабларини ҳисобга олинмаганлиги ҳамда ишлаб чиқилиши кўзда тутилаётган маҳсулотнинг хом-ашё базаси, ундаги хорижий ва маҳаллий хом-ашё ҳиссасининг таҳлил қилинмаганлиги;

- банк томонидан кредитнинг мақсадли ишлатилиши тўла ўрганилмаганлиги ва ўрганиш маълумотномалари фақат банк ходимлари томонидан имзоланиб тегишли чора-тадбирлар белгиланмаганлиги.

Бундан ташқари банкда кредит фоизини умуман тўламаган корхоналар мавжуд. Масалан, «Янтак Брит» қўшма корхонаси охирги марта 1997 йилдан буён ҳеч нарса тўламаган.

Банкда бундай иқтисодий, технологик ва бозор талабларига асосланмаган лойиҳалар кўплаб топилади.

Марказлашган инвестицион лойиҳаларни комплекс экспертиза қилиш жараёнида йўл қўйилган хатоликларнинг мавжудлиги банкларнинг узоқ муддатли кредитларини ўз вақтида қайтмаслигининг муҳим сабабларидан бири бўлиб қолмоқда.

Лойиҳа экспертиза босқичида тадбиркорлар ва инвесторлар ҳалигача лойиҳа бўйича сифатсиз ва ишончли бўлмаган ахборотларни тақдим этишмоқда. Улар билан бирга ТИАни ишлаб чиқувчилар (лойиҳачи ташкилотлар, молия институтлари) кузатилиши мумкин бўлган рисклар ва уларни пасайтириш, маҳсулот экспорти, ишлатилиши кўзда тутилган хом ашё бўйича маълумотларни, маркетинг тадқиқотларини пухта ишлаб чиқмаган. Бу ҳол лойиҳани кўриб чиқиш муддатини узайишига олиб келади.

Инвестиция лойиҳасини амалга ошириш натижасида кўзланган даромаднинг (лойиҳа бўйича пул киримлари) ўз вақтида келиб тушмаслик рискининг мавжудлиги ва бундай рискларнинг омиллари ишлаб чиқариш жараёни ва маҳсулотни сотиш билан, харидорлар билан ўзаро ҳисоб-китоблар билан, бозор конъюнктурасининг ўзгариши ёки мавсумий тебранишлар билан боғлиқ бўлиши;

- инвестиция лойиҳаларини комплекс экспертиза қилиш ишларининг ҳолисона бўлмаслиги ва бу ҳолат лойиҳанинг келгуси тақдирига салбий таъсир этиши;

- амалиётда инвестиция лойиҳаларини комплекс экспертиза қилишда билим ва тажрибаларнинг тўлиқ эгалланмаганлиги ва ўзлаштирилмаганлиги;

- инвестиция лойиҳаси самарадорлигини баҳолаш ишлари фақат банклар ва айрим санокли ташкилотлар томонидан олиб борилиши, бошқа манфаатдор субъектларнинг эса ҳали бу янгиликни қабул қила олишга мос билим ва тушунчалари йўқлиги ва уқувсизлиги;

- инвестиция лойиҳаларини комплекс экспертиза қилишда чет элда ишлаб чиқилган услубиётлардан кўр-кўрона фойдаланишлик ва ўзимизнинг ички ва миллий хусусиятларимиз кабиларга кўпроқ эътибор берилмаслиги;

- хом ашёни етказиб бериш ва маҳсулотларни сотиш бозорларида маркетинг тадқиқотларнинг тўлиқ ва ҳақиқий олиб борилмаслиги;

- инвестиция лойиҳаларини комплекс экспертиза қилишда малакали ва ёш мутахассисларнинг етишмаслиги, уларга бўлган бироз эътиборсизлик;

- айрим лойиҳаларда ҳақиқий бўлмаган, лекин яхши натижалар берувчи рақам ва кўрсаткичларнинг кўрсатилиши, таҳлил ишларида банк мутахассисларининг ўзлари ҳам кўп хатоликларга йўл қўйишлари ва ҳ.к.

Қатор йирик инвестицион лойиҳалар (Каолин, Янтак Брит кўшма корхоналари, Оҳангаронстройпласт ХЖ, Пап Фен кўшма корхонаси, Аснам текстил, Хоразм шакар заводи, Фарғона Фуран бирикмалари заводи, Фарғона кимёвий толалар заводи ва бошқ.) ўзини оқламаганлиги сабабли, уларни молиялаштириш мақсадида берилган кредитлар муддатида қайтмади.

3.Республикамизнинг йирик тижорат банкларида трансформация rischi сақланиб қолмоқда.

Республикамиз тижорат банкларининг фаолиятида миқдорларнинг жорий ҳисобрақамларидаги маблағлардан тўғридан-тўғри ресурс сифатида фойдаланиш ҳоллари мавжуд. Бу ҳолат банкларимизда трансформация riskини чуқурлаштиришга хизмат қилади. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида тижорат банкларига миқдорларнинг жорий ҳисобарқамидаги пул маблағларини., уларнинг розилигисиз ишлатишга рухсат этилган.

Биз қуйида АТ “Агробанк”да трансформация rischi даражасига баҳо берамиз (3.1-жадвал).

3.1-жадвал

АТ “Агробанк” активлари ва мажбуриятларининг муддатига кўра таркиби³⁴, 2017 йилнинг 31 декабрь ҳолатига кўра, фоизда.

№	Активлар	Суммаси, млрд. сўм
1	Муддатсиз активлар	20,0
2	1 кундан 30 кунгача	4,6
3	31 кундан 180 кунгача	17,9
4	181 кундан 365 кунгача	27,2
5	365 кундар ортиқ муддатдаги	30,3
Активлар – жами		100,0
№	Мажбуриятлар	Суммаси, млрд. сўм
1	Муддатсиз мажбуриятлар	36,4
2	1 кундан 30 кунгача	8,9
3	31 кундан 180 кунгача	25,9
4	181 кундан 365 кунгача	22,6
5	365 кундар ортиқ муддатдаги	5,8
Мажбуриятлар - жами		100,0

3.1-жадвал маълумотларидан кўринадики, АТ “Агробанк”да муддатсиз мажбуриятлар жами мажбуриятларнинг 36,4 фоизини ташкил этгани ҳолда, муддатсиз активларнинг жами активлар ҳажмидаги салмоғи 20,0 фоизни ташкил қилган. Шунингдек, жами активларнинг 30,3 фоизини 365 кундан ортиқ муддатга эга бўлган активлар ташкил этгани ҳолда, жами мажбуриятларнинг атиги 5,8 фоизини 365 кундан ортиқ муддатга эга бўлган мажбуриятлар ташкил этган. Бу эса, АТ “Агробанк”да трансформация рискининг сезиларли даражада чуқурлашганлигини кўрсатади.

4. Тижорат банкларида фоизли даромадлар миқдорининг камайиши

Амалга оширилган таҳлилларнинг натижалари кўрсатдики, айрим тижорат банкларида фоизли даромадлар миқдорининг камайиши кузатилмоқда. Бу эса, банкларнинг молиявий барқарорлигига нисбатан салбий таъсирни юзага келтириши мумкин. Мазкур ҳолатнинг сабаби кредит маблағларининг хўжалик субъектлари фаолиятидаги айланма ҳаракатида муаммолар мавжудлиги, яъни, кредит муносабатининг самарасиз якунланиш хавфи юзага келаётганлигидир. Мазкур муаммони бартараф этиш учун, фикримизча, фоизли даромад келтирувчи ҳар бир муносабатни

³⁴ Жадвал муаллиф томонидан www.agrobamk.uz сайти маълумотлари асосида тузилган.

инвентаризация қилиш тадбирларини амалга ошириш йўли билан кредит муносабатларини сегментлаш лозим. Тадқиқот натижалари кўрсатишича банк фаолиятида юзага келувчи рискларнинг ҳеч бири ўз қобиғига ўралган ҳолда алоҳида юзага келиши мумкин эмас. Кредит муносабатлари самарадорлигининг кескин пасайиб бориши ўз навбатида - кредит рискларининг юзага келтириб чиқариши, бу риск эса ўз навбатида даромад ололмаслик, тўлов қобилиятини йўқотиб қўйиш (банкротлик) каби банк фаолияти учун хавфлилик даражаси юқори бўлган рискларни келтириб чиқариши мумкин. Инвентаризация натижасига қараб, фоиз тўловларини ўз вақтида бажара олмаётган мижозлар гуруҳини кредит ва даромад ололмай қолиш rischi сифатида баҳоланиб, рискдан муҳофазаланиш тадбирлари ишлаб чиқиши лозим.

5. Кредит муносабатларида мажбурият ижросини таъминлаш билан боғлиқ бўлган муаммоларнинг мавжудлиги.

Мажбурият ижроси таъминотини қонуний расмийлаштириш мажбурият ижроси 100% таъминланганлигини билдирмаслигини амалиётда мажбурият ижроси таъминотга қаратилганда юзага келаётган муаммолар таъкидлаб турибди. Айнан, шунинг учун ҳам кредит муносабатларида мажбурият ижросини таъминлаш билан боғлиқ тадбирларда муаммолар юзага келаётган шароитда хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини ривожлантиришда кредитларнинг ролини ва унинг самарадорлигини ошириш масалаларини ҳал этишда амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган таъминот предметларини расмийлаштиришга оид қоидаларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш талаб этилади.

Кредит муносабатларида мажбурият ижросини таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, хизмат кўрсатиш соҳаси субъектларини кредитлар ва мажбурият ижросини таъминлашнинг ўзига хос усулларини татбиқ этиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг «Лизинг» тўғрисидаги қонунининг 20 – моддасига ва Фуқаролик кодексининг 259-моддасига, қуйидаги қўшимча киритиш таклиф этилади. Жумладан, Фуқаролик

кодексининг 259-моддасига: «Мажбурият ижроси учун субъект мулкдорларининг мулкый мажбуриятни зиммасига олиш тўғрисидаги қафолати қабул қилинган ҳолларда кредитор (лизинг берувчи) мулкдорлар ҳаёти ва мол-мулкани суғурта қилдиришни талаб қилиш ҳуқуқига эга».

Ўзбекистон Республикасининг «Лизинг» тўғрисидаги қонунининг 20 – моддасида «лизинг шартномасига боғлиқ равишда сарфланган маблағлар қайтарилишининг қафолати сифатида лизинг берувчи лизинг олувчидан таъминлаш берилишини, шу жумладан гаров, банк қафолати ёки учинчи шахснинг кафиллиги кўринишидаги таъминлаш берилишини талаб қилиши мумкин»лиги белгиланган. Мазкур қоида асосида кредит муносабатларида мажбурият ижросини таъминлашда хизмат кўрсатиш соҳаси тизими субъектларида бир қатор қийинчиликлар юзага келмоқда:

- а) гаров объектларининг етишмаслиги;
- б) банк қафолатларининг хизмат кўрсатиш соҳасининг мажбуриятлари учун берилмаётганлиги;
- в) учинчи шахслар кафиллигига қодир бўлган субъектлар фаолиятининг нобарқарорлиги.

Мажбурият ижросини лозим даражада бажарилишини таъминлаш учун белгиланган амалдаги қонун талаб ва қоидалар қай даражада мукаммал тузилган бўлмасин юзага келаётган муаммолар ечимини ижобий ҳал этишда мураккаб вазиятлар асосан таъминотнинг иккиламчи манбалари асосида иш юритиш жараёнида юзага келмоқда.

Бу муаммолар асосан банк ходимларининг мажбурият ижросини таъминлаш билан боғлиқ тадбирларни амалга оширишда билим ва малакаларининг етишмаслиги, кредит ташкилотларида тармоқ йўналишларига қараб кредитлашнинг алоҳида хусусиятларига доир тадбирларни амалга оширишда малака ва тажрибаларининг етишмаслиги, миқозларнинг тармоқ хусусиятига қараб кредитлашга доир иқтисодий ва ҳуқуқий таҳлил этиш тартибларининг мавжуд эмаслиги натижасида юзага келмоқда.

6. Ўзбекистон тижорат банклари кредитларини суғурталаш амалиётини такомиллашмаганлиги

Ўз навбатида, Ўзбекистон тижорат банклари кредитларини суғурталаш амалиётини такомиллашмаганлиги қуйидаги сабаблар билан изоҳланади:

1. Суғурта компанияларидан суғурта қоплаш суммасини ундиришнинг қийин ва мураккаблиги.

Ушбу муаммонинг моҳияти шундаки, кредитларнинг қайтмаслик ҳолати юз берганида суғурта компаниясидан кредит ва унинг фоизи учун суғурта қоплаш суммасини ўз вақтида ва тўлиқ ундирилишини кафолатлайдиган механизм мавжуд эмас.

2. Суғурта компаниялари фаолиятининг етарли даражада шаффоф (ошқора) эмаслиги.

Суғурта компаниялари томонидан эълон қилинаётган молиявий ҳисоботлардаги маълумотлар уларнинг тўловга қобиллигини реал баҳолаш имконини берадиган даражада шаффоф эмас. Шу сабабли, тижорат банклари суғурта компанияларининг тўловга қобиллигини аниқ баҳолаш имконига эга эмаслар.

3. Тижорат банклари фаолиятидаги кредит рисқи даражаси юқори бўлганлиги сабабли кредит рисқи даражасининг юқори эканлиги.

Кредит рисқи даражасининг юқори эканлиги суғурта компанияларининг кредит рисқини суғурталашдан манфаатдорлигини оширишга тўсқинлик қилади.

Шуниси характерлики, кредит рисқи даражасини ошишига сабаб бўлаётган бир қатор омиллар ташқи омиллар бўлиб, тижорат банки уларни бошқариш имкониятига ва ваколатига эга эмас. Бу эса, кредит рисқи даражасининг ошишига олиб келади ва суғурта компаниялари фаолиятида кредит рисқини суғурталаш билан боғлиқ бўлган йўқотишларнинг кўпайишига сабаб бўлиши мумкин.

Масалан, бир қатор инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш учун берилган кредитларни қайтмаслиги миллий валютанинг хорижий

валюталарга нисбатан кескин қадрсизланиши натижасида лойиҳани ўзини оқламаслиги сабабли юз берган. Бундай кредитларнинг суғурта қилиниши суғурта компаниялари фаолиятида катта йўқотишларнинг юзага келишига сабаб бўлади.

Кредит рискин суғурталаш амалиётини такомиллаштириш бир вақтнинг ўзида бир қатор чора-тадбирларни амалга оширишни тақозо этади:

- * кредитни ўз вақтида қайтмаслиги натижасида юзага келган суғурта ҳодисаси бўйича суғурта қоплаш суммаларини ўз вақтида ва тўлиқ қайтарилишини кафолатлаш механизмини яратиш лозим. Ушбу механизм ўз ичига суғурта ҳодисасини қайд этиш мезонларини, суғурта қоплаш суммасини тўлаб беришнинг чегаравий муддатини ва тузиладиган баённомаларни расмийлаштиришга қўйиладиган талабларни олиши лозим;

- * суғурта компаниялари томонидан эълон қилинаётган молиявий ҳисоботлардаги маълумотларнинг ишончлилиги ва шаффофлигига қўйиладиган талабларни кучайтириш лозим;

- * тижорат банклари фаолиятидаги кредит риски даражасини пасайтириш чораларини кўриш лозим.

Бунинг учун биринчи навбатда, берилаётган кредитларнинг диверсификация даражасини ошириш керак. Бундан ташқари, тўловга қобиллик даражаси паст бўлган мижозларга бериладиган кредитлар бўйича талабларни кучайтириш зарур;

- * ҳаёт суғуртасини ривожлантириш йўли билан кредит олган мижознинг тўсатдан вафот этиши натижасида юзага келадиган кредит риски муаммосини ҳал қилиш лозим.

3.2. Банklar активларини бошқаришни такомиллаштириш йўллари

Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг активларини бошқаришни такомиллаштириш мақсадида қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш лозим:

1. Мамлакат тижорат банклари активларининг рентабеллик даражасини ошириш мақсадида, биринчидан, муаммоли активлар миқдорини камайтириш, иккинчидан, фоизсиз харажатлар миқдорини камайтириш ҳисобига соф фойда миқдорини ошириш, учинчидан, со фойданинг ўсиш суръатини активларнинг ўсиш суръатидан юқори бўлишини таъминлаш лозим.

Соф фойданинг миқдорини оширишда кредитлардан олинган фоизли даромадлар муҳим ўрин тутди.

Тижорат банклари фоизли даромадларининг умумий ҳажмида кредитлардан олинган фоизли даромадлар салмоғининг юқори ва барқарор бўлиши уларнинг молиявий барқарорлигини таъминлашнинг зарурий шarti ҳисобланади. Шу сабабли, Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки экспертлари томонидан таклиф этилган соф фоизли спрэд коэффициентини ҳисоблаш методикасидан республикамиз банкларининг кредитлардан олинган фоизли даромадларнинг барқарорлигини баҳолашда фойдаланиш, фикримизча, муҳим амалий аҳамият касб этади.

2. Тижорат банклари томонидан берилган кредитлар бўйича муддати ўтган қарздорлик муаммосини ҳал қилиш мақсадида:

- мижозларнинг кредит тўловига лаёқатлилигини баҳолашнинг халқаро банк амалиётида кенг қўлланилаётган, такомиллашган методикаларини республикамиз банклари амалиётига жорий қилиш;

- тижорат банкларида муаммоли кредитларни “олдиндан огоҳлантириш” тизимини яратиш ва уни такомиллаштириш зарур;

- Ҳукумат кафолатлари асосида берилган кредитлар бўйича муддати ўтган қарздорликни ўз вақтида ундирилишини таъминлаш мақсадида (Давлат бюджетида ортиқча пул маблағларининг мавжуд эмаслигини ҳисобга олиб), махсус Жамғарма ташкил этиш лозим.

3. Тижорат банклари активлари ва мажбуриятларининг муддатлари ўртасидаги мувофиқликни таъминлаш ва трансакцион депозитларнинг фақат

барқарор қолдигидан ресурс сифатида фойдаланишни йўлга қўйиш орқали трансформация рискига барҳам бериш лозим.

Трансакцион депозитларда муддат мавжуд эмас. Бунинг устига, уларнинг беқарорлик даражаси жуда юқори. Шу сабабли, улардан тўғридан-тўғри ресурс сифатида фойдаланиш, активлар ва мажбуриятларнинг муддатлари ўртасидаги мувофиқлик таъминланган шароитда ҳам, тижорат банкининг ликвидлилигига нисбатан кучли салбий таъсирни юзага келтириши мумкин.

4. Тижорат банкларининг қимматли қоғозларга қилинган инвестициялари ҳажмини ошириш мақсадида, биринчидан, қимматли қоғозлар эмитентларининг молиявий ва мулкый ҳолатини таҳлил қилиш тизимини такомиллаштириш зарур; иккинчидан, банкларнинг Марказий банкнинг облигацияларига қилинган инвестициялари ҳажмини ошириш орқали уларнинг жорий ликвидлилик даражасини ошириш лозим; учинчидан, банкларнинг “Ностро” вакиллик ҳисобрақамидаги ортиқча пул маблағларини иқтисодиётнинг турли тармоқларига мансуб бўлган корхоналарнинг қимматли қоғозларига инвестиция қилиш лозим.

Ушбу таклифимизнинг амалиётга татбиқи натижасида:

- тижорат банкларининг қимматли қоғозлардан оладиган даромадлари миқдори кўпаяди;
- юқори ликвидли қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар ҳисобидан тижорат банкининг жорий ликвидлилик даражаси ошади;
- банкларнинг қимматли қоғозлар портфелининг ликвидлилик даражаси ошади.

Тараққий этган мамлакатларда тижорат банкларининг жорий ликвидлили, асосан, юқори ликвидли қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар ҳисобидан таъминланади. Масалан, 2017 йилнинг 31 декабрь ҳолатига кўра, Бэнк оф Америка (АҚШ) активларининг умумий ҳажмида юқори ликвидли қимматли қоғозларга қилинган инвестицияларнинг салмоғи

9,1 фоизни³⁵, Дойчебанкда эса, ушбу кўрсаткич мазкур санада 6,5 фоизни ташкил этди³⁶.

5. Тижорат банклари активларининг даромадлилигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишда асосий эътибор тижорат банкларининг кредитлардан олинадиган фоизли даромадларининг ялпи даромад ҳажмидаги салмоғининг барқарорлигини таъминлашга қаратилиши лозим:

биринчидан, кредитларнинг брутто активлар ҳажмидаги салмоғини пасайишига йўл қўймаслик зарур; иккинчидан, кредитлар фоиз ставкаларининг кескин тебранишининг олдини олиш лозим; учинчидан, муддати ўтган кредитларнинг брутто кредитлар ҳажмидаги салмоғи кўрсаткичининг меъёрий даражасини таъминлаш зарур.

Бунда, молиявий активларнинг амортизация қилинадиган қийматини тўғри аниқлаш ва уларнинг қадрсизланишини аниқ баҳолаш мақсадида самарали фоиз ставкаси усулини режалаштириш жаарёнига жорий қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Самарали фоиз ставкаси шундай фоиз ставкасики, у молиявий инструмент бўйича кутилаётган давр мобайнидаги барча пуллик тушумлар ва тўловларнинг ҳисобланган суммасини уларнинг дастлаб тан олинган соф баланс қийматига келтириш имконини беради (дисконтлаш йўли билан).

Самарали фоиз суммасини ставкасини ҳисоблаш учун ҳар бир тегишли ҳисобот даврида самарали фоиз ставкаси актив ёки мажбуриятнинг ўтган ҳисобот даврининг сўнггидаги амортизацияланган қийматига кўпайтирилади. Мазкур давр учун ҳисобланган самарали фоиз билан активнинг фоизли купони ўртасидаги фарқ суммаси мазкур даврдаги амортизация суммаси ҳисобланади.

Молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларига қоидаларига кўра, барча молиявий мажбуриятлар дастлабки тан олингандан сўнг самарали фоиз

³⁵ Consolidated Balance Sheet. Bank of America. Annual Report 2017.. www.bankofamerica.com.

³⁶ Consolidated Balance Sheet. Deutsche Bank. Annual Report 2017. www.db.com

ставкасини қўллаган ҳолда амортизацияланган қиймат бўйича баҳоланиши керак. Бироқ, мазкур қоидалар қуйидаги турдаги молиявий мажбуриятларга нисбатан қўлланилмайди:

- адолатли қиймат бўйича баҳоланадиган молиявий мажбуриятлар (чунки, мазкур турдаги молиявий мажбуриятлар шу даврдаги фойда ёки зарар таркибида ҳисобга олинади);

- молиявий активни узатаётганда тан олиниши тўхтамайдиган ҳолатда юзага келадиган молиявий мажбуриятлар;

- бозор ставкасидан паст бўлган фоиз ставкаларида бериладиган кредитлар бериш бўйича битимлар бўйича юзага келадиган молиявий мажбуриятлар.

6. Тижорат банклари томонидан бериладиган кредитларнинг риск даражаларининг ошишини олдини олиш мақсадида банкларнинг Кредит сиёсатида Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки экспертлари томонидан ишлаб чиқилган кредитнинг рик даражаларини меъёрий кўрсаткичларни акс эттириш лозим³⁷:

А. Кредитлардан кўрилган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмалари даражаси (ККЗҚМЗАД).

$$\text{ККЗҚМЗАД} = (\text{ЗАС} / \text{БАЎС}) \times 100\%$$

бу ерда:

ЗАС – захира ажратмалари суммаси;

БАЎС – банк активларининг ўртача суммаси.

Ушбу кўрсаткичнинг юқори меъёрий даражаси 1,0 фоизни ташкил этади.

Кредитлардан кўрилган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмалари даражаси кўрсаткичининг меъёрий даражадан юқори бўлиши тижорат банки таснифланган кредитлари таркибини ёмонлашганлигидан далолат беради.

Б. Муддати ўтган кредитларнинг мўътадил даражаси (МЎКМД).

³⁷ www.worldbank.org.

$$\text{МЎКМД} = (\text{МЎКС} / \text{БК}) \times 100\%$$

бу ерда:

МЎКС – муддати ўтган кредитларнинг ўртача суммаси;

БК – брутто кредитлар.

Мазкур кўрсаткичнинг юқори меъёрий чегараси 3,0 фоиз қилиб белгиланган.

В. Муддати ўтган кредитларнинг йўл қўйиш мумкин бўлган чегаравий даражаси.

Ушбу кўрсаткич 3.2-формула орқали ҳисобланади ва унинг юқори меъёрий даражаси 5,0 фоизни ташкил этади

7. Тижорат банклари билан суғурта компаниялари ўртасидаги молиявий муносабатларни ривожлантириш йўли билан банклар фаолиятидаги кредит риси даражасини пасайтириш лозим. Бунинг учун банклар ва суғурта компанияларининг бир-бирига бўлган ишончини таъминлаш лозим. Бунинг учун, фикримизча, тижорат банклари ва суғурта компаниялари томонидан эълон қилинаётган молиявий ҳисоботлардаги маълумотларнинг тўлиқлиги ва шаффофлигини ошириш зарур.

Шу ўринда эътироф этиш жоизки, тараққий этган мамлакатларда Банк-ашшуранс (Bancassurance) ёки банк суғуртаси (суғурта полисларини тижорат банкларининг филиаллари ва бўлинмалари орқали сотиш тизими) хизматини кўрсатиш амалиёти шаклланган ва тобора такомиллашиб бормоқда. Мазкур давлатлар тажрибаси банк-ашшуранснинг тижорат банклари учун ҳам, суғурта компаниялари учун ҳам бир қатор афзалликларга эга эканлигини кўрсатди.

Банк-ашшуранснинг тижорат банклари учун афзалликлари қуйидагилардан иборат:

- банк мижозларининг гаров базасини банк учун қулай шартларда сотиш имконини беради;

- суғурта компанияларининг ўзини ва уларнинг суғурта полисларидан фойдаланувчи мижозларни кредитлаш ҳажмини оширади;

– суғурта компанияларининг бўш турган пул маблағларининг банкнинг депозит ҳсобрақамларига жалб этиш ҳажмини ошириш имконини беради;

– банк пластик карталари билан боғлиқ бўлган молиявий хизматлардан фойдаланувчилар сонини оширади.

Банк-ашшуранснинг суғурта компаниялари учун афзалликлари куйидагилардан иборат:

– янги мижозларни жалб қилиш йўли билан суғурта мукофотлари суммасини ошириш имконини беради (улар банкларнинг мижоз базасига хизмат кўрсатиш ҳажмини ошириш орқали мижозлари сонини оширадилар);

– суғурта компаниялари банкларни, автосалонларни, риэлторлик компанияларини танлаш бўйича маслаҳатлар бериш йўли билан мижозларига кўрсатиладиган хизматларининг сифатини оширадилар.

Банк-ашшуранс амалиётини такомиллаштиришда рискларни комплекс суғурталашнинг “BBB полиси бўйича суғурталаш” (Bankers Blanket Bond) деб номланадиган усулдан фойдаланиш лозим ва бунда ушбу усулнинг куйидаги жиҳатларига эътиборни қаратиш лозим:

1. Банк ходимининг айби билан зарар кўриш хавфи.

Шартнома шартларига кўра банк ходимларининг ноқонуний ҳатти-ҳарактлари, товламачилиги натижасида кўрилган зарарга нисбатан суғурта қоплаш тартиби қўлланилиши лозим.

2. BBB полисида банк биносининг, ундаги ускуналар, сақланаётган қимматбаҳо буюмларнинг бус-бутун сақланиши кўзда тутилган бўлиши керак.

3. Сохта чеклар (Forgery of Alteration) ва қимматли қоғозлар (Securities) бўйича суғурта ҳодисаси берганда суғурта қоплашни қўллаш.

4. Сохта валюталар (Counterfeited Currency) бўйича суғурта ҳодисаси берганда суғурта қоплашни қўллаш³⁸.

³⁸ Молохов А.В., Порубиновская В.В. Страхование риска в банковской деятельности – индульгенция или профанация//Банковское дело. – Москва, 2013. – №10. – С. 83.

Мазкур хулоса Ўзбекистон банк амалиёти учун муҳим аҳамият касб этади. Бунинг сабаби шундаки, республикамизда банк ходимларининг ноқонуний ҳатти-ҳаракатлари натижасида кўрилган зарарларни ва сохта валюталардан кўрилган зарарларни суғурталаш амалиёти мавжуд эмас.

III боб бўйича хулоса

Тадқиқотнинг учинчи бобида тижорат банкларининг активларини боқшариш амалиётини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган қуйидаги муаммолар аниқланди:

- тижорат банклари активларининг рентабеллик даражасининг паст эканлиги;
- тижорат банкларида муддати ўтган кредитлар миқдорининг катта эканлиги;
- республикамизнинг йирик тижорат банкларида трансформация rischi сақланиб қолмоқда;
- тижорат банкларида фоизли даромадлар миқдорининг камайиш ҳолатининг мавжудлиги;
- кредит муносабатларида мажбурият ижросини таъминлаш билан боғлиқ бўлган муаммоларнинг мавжудлиги;
- Ўзбекистон тижорат банклари кредитларини суғурталаш амалиётини такомиллашмаганлиги.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг активларини бошқаришни такомиллаштиришга қаратилган қуйидаги илмий таклифлар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. Мамлакат тижорат банклари активларининг рентабеллик даражасини ошириш мақсадида, биринчидан, муаммоли активлар миқдорини камайтириш, иккинчидан, фоизсиз харажатлар миқдорини камайтириш ҳисобига соф фойда миқдорини ошириш, учинчидан, со фойданинг ўсиш суръатини активларнинг ўсиш суръатидан юқори бўлишини таъминлаш лозим.

2. Тижорат банклари томонидан берилган кредитлар бўйича муддати ўтган қарздорлик муаммосини ҳал қилиш мақсадида:

– миждозларнинг кредит тўловига лаёқатлилигини баҳолашнинг халқаро банк амалиётида кенг қўлланилаётган, такомиллашган методикаларини республикамиз банклари амалиётига жорий қилиш;

– тижорат банкларида муаммоли кредитларни “олдиндан огоҳлантириш” тизимини яратиш ва уни такомиллаштириш зарур;

– Ҳукумат қафолатлари асосида берилган кредитлар бўйича муддати ўтган қарздорликни ўз вақтида ундирилишини таъминлаш мақсадида (Давлат бюджетида ортиқча пул маблағларининг мавжуд эмаслигини ҳисобга олиб), махсус Жамғарма ташкил этиш лозим.

3. Тижорат банклари активлари ва мажбуриятларининг муддатлари ўртасидаги мувофиқликни таъминлаш ва трансакцион депозитларнинг фақат барқарор қолдиғидан ресурс сифатида фойдаланишни йўлга қўйиш орқали трансформация рискига барҳам бериш лозим.

4. Тижорат банкларининг қимматли қоғозларга қилинган инвестициялари ҳажмини ошириш мақсадида, биринчидан, қимматли қоғозлар эмитентларининг молиявий ва мулкый ҳолатини таҳлил қилиш тизимини такомиллаштириш зарур; иккинчидан, банкларнинг Марказий банкнинг облигацияларига қилинган инвестициялари ҳажмини ошириш орқали уларнинг жорий ликвидлилик даражасини ошириш лозим; учинчидан, банкларнинг “Ностро” вакиллик ҳисобрақамидаги ортиқча пул маблағларини иқтисодиётнинг турли тармоқларига мансуб бўлган корхоналарнинг қимматли қоғозларига инвестиция қилиш лозим.

5. Тижорат банклари активларининг даромадлилигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишда асосий эътибор тижорат банкларининг кредитлардан олинадиган фоизли даромадларининг ялпи даромад ҳажмидаги салмоғининг барқарорлигини таъминлашга қаратилиши лозим:

биринчидан, кредитларнинг брутто активлар ҳажмидаги салмоғини

пасайишига йўл қўймаслик зарур; иккинчидан, кредитлар фоиз ставкаларининг кескин тебрашининг олдини олиш лозим; учинчидан, муддати ўтган кредитларнинг брутто кредитлар ҳажмидаги салмоғи кўрсаткичининг меъёрий даражасини таъминлаш зарур.

6. Тижорат банклари томонидан бериладиган кредитларнинг риск даражаларининг ошишини олдини олиш мақсадида банкларнинг Кредит сиёсатида Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки экспертлари томонидан ишлаб чиқилган кредитнинг риск даражаларини меъёрий кўрсаткичларни акс эттириш лозим.

7. Тижорат банклари билан суғурта компаниялари ўртасидаги молиявий муносабатларни ривожлантириш йўли билан банклар фаолиятидаги кредит rischi даражасини пасайтириш лозим. Бунинг учун банклар ва суғурта компанияларининг бир-бирига бўлган ишончини таъминлаш лозим. Бунинг учун, фикримизча, тижорат банклари ва суғурта компаниялари томонидан эълон қилинаётган молиявий ҳисоботлардаги маълумотларнинг тўлиқлиги ва шаффофлигини ошириш зарур.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Диссертацион тадқиқотни бажариш жараёнида қуйидаги хулосаларни шакллантирдик:

1. Иқтисодчи олимларнинг тижорат банкларининг активларини бошқариш хусусидаги илмий-назарий қарашларини таҳлил қилиш натижалари кўрсатдики:

* тижорат банкларининг активларини бошқаришда асосий эътибор гуруҳлаш ва таркибий таҳлилга қаратилиши лозим;

* банк активларини бошқариш самарадорлигини ошириш учун янги ахборот-коммуникация технологияларидан (видеобанкингни ривожлантириш, алоқа каналларини янги технологиялар билан жиҳозлаш, онлайн банкинг технологиясини такомиллаштириш, автоматлаштирилган клиринг палаталари фаолиятини такомиллаштириш) фойдаланишга эътиборни кучайтириш зарур;

* тижорат банклари активларини бошқариш самарадорлигини таъминлашда молиявий инновацияларга асосий эътиборни қаратиш лозим.

2. Халқаро банк амалиётида тижорат банклари активларини бошқариш самарадорлигини таъминлашда қуйидаги кўрсаткичлардан кенг фойдаланилади:

- кредит рискин баҳолаш бўйича стандартлашган ёндашув;
- активларнинг рентабеллиги;
- даромад/харажат кўрсаткичи.

3. Хориж тажрибаси таҳлилидан кўриндики:

* Россиянинг Сбербанкида харажатларнинг даромадларга нисбати кўрсаткичи бўйича 2018 йилга мўлжалланган режа кўрсаткичи 2017 йилда бажарилган;

* харажатларнинг активларга нисбатан даражаси бўйича 2018 йилга мўлжалланган режа кўрсаткичи 2017 йилда бажарилмаган;

* Сбербанкда соф фойданинг ва активларнинг ўсиш суръатлари бўйича 2018 йилга режалаштирилган кўрсаткичлар бажарилмаган;

* Сбербанк активларининг умумий ҳажмида кредитлар энг юқори салмоқни эгаллайган ва ушбу ҳолат ушбу банкнинг Россия иқтисодиётининг реал секторини кредитлашда муҳим роль ўйнаётганлигидан далолат беради;

* Дойчебанк даромадларининг асосий қисмини фоизли даромадлар ташкил этади ва мазкур ҳолат Дойчебанкнинг кредит операциялари ва қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган инвестицион операцияларининг ривожланганлиги билан изоҳланади;

* 2013-2015 йилларда Дойчебанк харажатларининг умумий ҳажмида фоизсиз харажатларнинг салмоғини пасайиш тенденциясига эга бўлганлиги мазкур даврда комиссия харажатлар миқдорининг каамайганлиги билан изоҳланади;

* 2012-2016 йилларда Бэнк оф Америка банки томонидан очилган аккредитивларнинг умумий ҳажмида стэнд-бай аккредитивларининг салмоғини юқори бўлганлиги АҚШ банклари учун стэнд-бай аккредитивнинг асосий аккредитив тури эканлигидан далолат беради.

4. Тижорат банклари активларини бошқаришнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438-сонли “2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги қароир;

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 6 майдаги ПҚ-2344-сонли “Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва уларнинг ресурс базасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори;

– Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2015 йил 22 июлдаги 19/14-сонли (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил 13 августда 2709-сонли рақам билан рўйхатга олинган) “Тижорат банкларининг ликвидлилигини бошқаришга қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низоми;

– Марказий банкнинг 2015 йил 13 июндаги 14/3-сонли (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил 6 июлдаги 2693-сонли рақам билан рўйхатга олинган) “Тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги йўриқномаси;

– Ўзбекистон Республикаси Марказий банк Бошқарувининг 2015 йил 13 июндаги 14/5-сонли қарори билан тасдиқланган “Тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни коплаш учун захиралар шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида”ги низом.

5. Диссертацион тадқиқотнинг иккинчи бобида малга оширилган таҳлилларнинг натижалари кўрсатдики:

* Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари активларининг умумий ҳажмида кредитлар энг юқори салмоқни эгаллайди, бу эса, банкларнинг биринчи навбатда кредитлаш институтлари эканлиги билан изоҳланади; тижорат банклари активларининг умумий ҳажмида салмоғига кўра иккинчи ўринни кассали активлар эгаллаши салбий ҳолат ҳисобланади; қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар тижорат банклари активларининг умумий ҳажмида жуда кичик салмоқни эгаллайди. Бу эса, банкларнинг қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган инвестицион операцияларининг ривожланмаганлигидан далолат беради.

* Ҳамкорбанк активлари ва мажбуриятларининг муддатлари ўртасида номутаносибликнинг мавжудлиги аниқланди;

.* 2013-2017 йилларда Ўсаноатқурилишбанк активлари ва мажбуриятларининг муддатлари ўртасида жиддий номутаносибликнинг мавжудлиги кузатилди;

* Агробанкда 2013-2017 йилларда Агробанкда соф фойданинг миқдорини нобарқарор бўлганлиги, 2014 йилда соф фойданинг миқдори 2013 йилга нисбатан кескин камайганлиги банкнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш нуқтаи-назаридан салбий ҳолат ҳисобланади;

* 2012-2017 йилларда Алоқабанк кредитларининг миқдори ўсиш тенденциясига эга бўлган; иккинчидан, кредитлар ҳажмида узоқ муддатли кредитлар юқори салмоқни эгаллайди; учинчидан, хорижий валюталарда берилган кредитлар Банкнинг кредит портфелида нисбатан кичик салмоқни эгаллайди; тўртинчидан, юридик шахсларга ажратилган кредитларнинг кредит портфелидаги улуши нисбатан жуда юқоридир.

Тижорат банкларининг кредитлардан олинadиган даромадларига таъсир қилувчи омилларнинг эконометрик таҳлили натижалари кўрсатдики, кредитнинг фоиз ставкаси (CREDRATE) ўртача 1 фоизга пунктга ошса, кредитдан олинadиган даромад ўртача 0,801 га ортар экан. Аммо, кредит ҳажмининг логарифмланган қиймати (LOG(CREDVOL)) бир бирликка ошса, кредитдан олинadиган даромад ўртача 1,805 га камаяр экан. Моделда қавслар ичида келтирилган қийматлар ҳар омилнинг ишончлилигини аниқлайдиган t -Стюдент мезонининг қийматларидир.

Олинган натижада коэффициент миқдорларини ифодаловчи R^2 детерминация коэффициенти 0,8 га тенг бўлди. Бу эса натижавий омилнинг танланган омиллар билан етарлича зич алоқада эканлигини кўрсатади, яъни кредитдан олинadиган даромад (CREDPROFIT) 80,0 фоизга кўп омилли эконометрик моделга киритилган кредитнинг фоиз ставкаси (CREDRATE) ва кредит ҳажмининг логарифмланган қиймати (LOG(CREDVOL)) га боғлиқ экан. Қолган 20,0 фоизи эса, ҳисобга олинмаган омиллар таъсиридир.

6. Тадқиқот жараёнида тижорат банкларининг активларини бошқариш амалиётини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган қуйидаги муаммолар аниқланди:

- тижорат банклари активларининг рентабеллик даражасининг паст эканлиги;
- тижорат банкларида муддати ўтган кредитлар миқдорининг катта эканлиги;
- республикаимизнинг йирик тижорат банкларида трансформация риси сақланиб қолмоқда;

- тижорат банкларида фоизли даромадлар миқдорининг камайиш ҳолатининг мавжудлиги;
- кредит муносабатларида мажбурият ижросини таъминлаш билан боғлиқ бўлган муаммоларнинг мавжудлиги;
- Ўзбекистон тижорат банклари кредитларини суғурталаш амалиётини такомиллашмаганлиги.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг активларини бошқаришни такомиллаштиришга қаратилган қуйидаги илмий таклифлар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. Мамлакат тижорат банклари активларининг рентабеллик даражасини ошириш мақсадида, биринчидан, муаммоли активлар миқдорини камайтириш, иккинчидан, фоизсиз харажатлар миқдорини камайтириш ҳисобига соф фойда миқдорини ошириш, учинчидан, со фойданинг ўсиш суръатини активларнинг ўсиш суръатидан юқори бўлишини таъминлаш лозим.

2. Тижорат банклари томонидан берилган кредитлар бўйича муддати ўтган қарздорлик муаммосини ҳал қилиш мақсадида:

- мижозларнинг кредит тўловига лаёқатлилигини баҳолашнинг халқаро банк амалиётида кенг қўлланилаётган, такомиллашган методикаларини республикамиз банклари амалиётига жорий қилиш;

- тижорат банкларида муаммоли кредитларни “олдиндан огоҳлантириш” тизимини яратиш ва уни такомиллаштириш зарур;

- Ҳукумат кафолатлари асосида берилган кредитлар бўйича муддати ўтган қарздорликни ўз вақтида ундирилишини таъминлаш мақсадида (Давлат бюджетида ортиқча пул маблағларининг мавжуд эмаслигини ҳисобга олиб), махсус Жамғарма ташкил этиш лозим.

3. Тижорат банклари активлари ва мажбуриятларининг муддатлари ўртасидаги мувофиқликни таъминлаш ва трансакцион депозитларнинг фақат барқарор қолдиғидан ресурс сифатида фойдаланишни йўлга қўйиш орқали трансформация рискига барҳам бериш лозим.

4. Тижорат банкларининг қимматли қоғозларга қилинган инвестициялари ҳажмини ошириш мақсадида, қимматли қоғозлар эмитентларининг молиявий ва мулкӣ ҳолатини таҳлил қилиш тизимини такомиллаштириш, банкларнинг Марказий банкнинг облигацияларига қилинган инвестициялари ҳажмини ошириш орқали уларнинг жорий ликвидлилик даражасини ошириш лозим; банкларнинг “Ностро” вакиллик ҳисобрақамидаги ортиқча пул маблағларини иқтисодиётнинг турли тармоқларига мансуб бўлган корхоналарнинг қимматли қоғозларига инвестиция қилиш лозим.

5. Тижорат банклари активларининг даромадлилигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишда асосий эътибор тижорат банкларининг кредитлардан олинадиган фоизли даромадларининг ялпи даромад ҳажмидаги салмоғининг барқарорлигини таъминлашга қаратилиши лозим:

биринчидан, кредитларнинг брутто активлар ҳажмидаги салмоғини пасайишига йўл қўймаслик зарур; иккинчидан, кредитлар фоиз ставкаларининг кескин тебрашининг олдини олиш лозим; учинчидан, муддати ўтган кредитларнинг брутто кредитлар ҳажмидаги салмоғи кўрсаткичининг меъёрий даражасини таъминлаш зарур.

6. Тижорат банклари томонидан бериладиган кредитларнинг риск даражаларининг ошишини олдини олиш мақсадида банкларнинг Кредит сиёсатида Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки экспертлари томонидан ишлаб чиқилган кредитнинг рик даражаларини меъёрий кўрсаткичларни акс эттириш лозим.

7. Тижорат банклари билан суғурта компаниялари ўртасидаги молиявий муносабатларни ривожлантириш йўли билан банклар фаолиятидаги кредит риски даражасини пасайтириш лозим.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва методологик аҳамиятга молик нашрлар

1. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги қонуни. 1995 йил 21 декабрь. 154-I-сон. Ўзбекистон Республикаси банк тизимини ислоҳ қилиш ва тижорат банклари фаолиятини тартибга солишга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011. – 11-33-б.

2. Ўзбекистон Республикасининг «Банklar ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонуни. 1996 йил 25 апрель. 216-I-сон. Ўзбекистон Республикаси банк тизимини ислоҳ қилиш ва тижорат банклари фаолиятини тартибга солишга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. –Тошкент: Ўзбекистон, 2011. – 34-51-б.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3383-сонли Қарори. www.lex.uz.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 сентябрдаги “Пул-кредит сиёсатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3272-сонли Қарори. www.lex.uz.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги “Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3270-сонли Қарори. www.lex.uz.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 сентябрдаги “Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5177-сонли Фармони. www.lex.uz.

7. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2015 йил 22 июлдаги 19/14-сон (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги

томонидан 2015 йил 13 августда 2709-рақам билан рўйхатдан ўтказилган) «Тижорат банкларининг ликвидлигини бошқаришга қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори//Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2015. - №32 (688). – 437-модда.

8. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2015 йил 13 июндаги 14/3-сон (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил 6 июлда 2693-рақам билан рўйхатдан ўтказилган) «Тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори//Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2015. - №27 (683). – 360-модда.

9. Международная конвергенция измерения капитала и стандартов капитала: уточненные рамочные подходы. Пер. с англ. – Базель: Банк международных расчетов. 2004. www.bis.org.

II. Монография, илмий мақола, патент, илмий тўпламлар

10. Абдуллаева Ш.З. Банк рисклари ва кредитлаш. Т.: Молия, 2002 й. – 304 б.

11. Бланшар О. Макроэкономика. Пер. с англ. – М.: ВШЭ, 2010. – 671 с.; Жарковская Е.П. Банковское дело. – М.: «Омега-Л», 2008. – 476 с.

12. Банковские риски. Под ред. Лаврушина О.И, Валенцевой Н.И. Финансовая академия при Правительстве РФ. – 2-е изд. -М.: КноРус, 2008. – 232 с.

13. Барро Р., Мартин С. Экономический рост. Пер. с англ. – М.: БИНОМ, 2010. - 374 с.

14. Кейнс Дж.М. Общая теория занятости, процента и денег. – Пер. с англ. – М.: Гелиос АРВ, 2012. – 352 с.

15. Ларионова И.В. Управление активами и пассивами в коммерческом банке. - Москва: Консалтбанкир, 2003. – 272 с.

16. Лаврушин О.И. Банковское дело: современная система кредитования: Финансовая академия при правительстве РФ. – 4-е изд., стереотип. – М.: КНОРУС, 2008. – 264 с.
17. Банковское дело. Учебник. Под ред. Проф. О.И.Лаврушина. – М.: КНОРУС, 2016. – 800 с.
18. Миллер Л.Р. Современные деньги и банковское дело. – М.: Инфра-М, 2000. – 856 с.
19. Мишкин Ф.С. Экономическая теория денег, банковского дела и финансовых рынков. 7-ое изд. Пер. с англ. – М.: ООО «И.Д. Вильямс», 2013. – 880 с.
20. Панова Г.С. Кредитная политика коммерческого банка. – М.: ИКЦ «ДИС», 1997. – С. 194.
21. Селищев А.С. Деньги. Кредит. Банки. – Спб.: Питер, 2007. – 432 с.
22. Солдатова А.О. Факторинг и секьюритизация финансовых активов. – М.: Изд. Дом Высшей школы экономики, 2013. – 604 с.
23. Сото Х.У. Деньги, банковский кредит и экономические циклы. Пер. с англ. – М.: Социум, 2008. – 663 с.
24. Скиннер К. Будущее банкинга. Пер. с англ. – Минск: Гревцов Паблишер, 2009. – С. 294.
25. Синки Дж. Финансовый менеджмент в коммерческом банке и в индустрии финансовых услуг. Пер. с англ. – М.: Альпина Паблишер, 2017. – 880 с.
26. Юдина И.Н. Банковская система в развивающихся экономиках: опыт становления, развития. Монография. – М.: РИОР: ИНФРА-М, 2013. – 351 с.
27. Международная конвергенция измерения капитала и стандартов капитала: уточненные рамочные подходы. Пер. с англ. – Базель: Банк международных расчетов. 2004. – С. 23.

28. Исаков Ж.Я. хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришда кредит самарадорлигини ошириш. И.ф.д. илм. дар. ол.уч. тақд. эт. дисс. автореф. – Тошкент, 2016.– 79 с.

29. Умарова З.С. Ўзбекистон Республикасида тижорат банклари кредит эмиссиясини тартибга солишни такомиллаштириш. И.ф.н. илм. дар. оли. уч. тақд. эт. дисс. автореф. – Тошкент, 2011. – 21 б.

30. Шодмонов Э.Ш. Ўзбекистонда аграр ислохотларни чуқурлаштиришда банklar фаоллигини оширишнинг асосий йўналишлари. Иқ. ф.н. илм. даражасини олиш учун дисс. автореф. – Тошкент: БМА, 2005. – 19 б.

31. Афанасьева О.Н. Состояние рынка проектного финансирования и факторы, сдерживающие его развития//Деньги и кредит. – Москва, 2014. - №2. – С. 37

32. Молохов А.В., Порубиновская В.В. Страхование риска в банковской деятельности – индульгенция или профанация//Банковское дело. – Москва, 2013. – №10. – С. 83.

33. Мазурина Т.Ю. банковское инвестиционное кредитование: современное состояние, проблемы и перспективы развития// Деньги и кредит. – Москва, 2013. - №4. – С. 33.

Фойдаланилган бошқа адабиётлар

34. Годовой отчет Сбербанка за 2016 год. www.cbrf.ru.

35. АТ “Ҳамкорбанк”нинг йиллик ҳисоботлари.

36. АТ “Ўзсаноатқурилишбанк”нинг йиллик ҳисоботлари.

37. www.db.com – Дойчебанк (Германия)

38. [www.bank ofamerica.com](http://www.bankofamerica.com) Бэнк оф Америка (АҚШ)

39. www.worldbank.org. – Жаҳон банки гуруҳи

40. www.cbu.uz – Ўзбекистон Республикаси Марказий банки